Ушбу сонда:

2 ҚОНУНГА ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

4–7 ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

8 СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 21 август, шанба № 134 (1767)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мустақиллик иншоотлари

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ЙЎЛИ

20 август куни Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линиясининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди

Ўзбекистон қадим-қадимдан Ғарб ва Шарқни бир-бирига боғловчи кўприк вазифасини ўтаб келган. Юртимиз бугун ҳам муҳим стратегик аҳамиятга молик минтақа сифатида юксак салоҳият ва имкониятларга эга. Истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари мисолида бунинг яққол исботини кўриш мумкин. Коммуникация ва транспорт, темир йўл тизимидаги оламшумул эврилишлар, янгиланишлар эса Ўзбекистоннинг тараққиётини янада тезлаштирмоқда. Қамчиқ довони орқали Фарғона водийси, Навоий-Учқудуқ-Султонувайстоғ-Нукус темир йўли орқали шимолий минтақалар мамлакатимиз марказий ҳудудлари билан боғланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилаётган бу ишларнинг аҳамияти беқиёсдир. Энг муҳими, ушбу бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда.

Юртимизни Устюрт орқали Қозоғистон, Россия ва Европа билан боғлайдиган 316 километрли Қўнғирот-Бейнов автомобил йўли жадал суръатлар билан барпо этилмоқда. Андижон-Ўш-Қашқар йўли эса ушбу бетимсол ишларнинг узвий давоми бўлади.

Мамлакатимизда жаҳон темир йўл қурилиши тажрибасида ўта мураккаб ҳисобланувчи, тоғ-тошлардан, жарлик ва зовурлардан ўтадиган, муҳим стратегик аҳамиятга эга яна бир темир йўл қурилиши тугалланиш арафасида. Афғонистон ва Эрон орқали Форс кўрфазига олиб чиқадиган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг мамлакатимиз халқаро алоқалари ривожида, иқтисодиётимиз тараққиётида тутадиган аҳамияти беқиёсдир.

223 километрлик мазкур йўлнинг 106,2 километри Қашқадарё, 113,7 километри эса Сухондарё вилояти ҳудудидан ўтади. Икки вилоят ўртасидаги масофани 184 километрга қисқартирадиган мазкур темир йўл ёқасида олтита бекат қурилиши режалаштирилган. Унинг ишга туширилиши халқ хўжалигини ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштириш, ер ости бойликларидан унумли фойдаланиш имконини беради. 650 дан зиёд иш жойи очилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 24 январда мамлакатимизда яхлит темир йўл тизимини барпо этиш, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини иқтисодий ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ер ости ва ер усти бойликларини ўзлаштириш, республикамиз жанубий минтақаларининг ижтимоий инфратузилмасини янада тараққий эттириш мақсадида Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ҳукуматимиз қарорида белгилаб берилган вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Ғузор туманининг Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан бошланган ушбу темир йўл қисқа фурсатда Деҳқонобод тумани билан туташди. Тошгузар-Деҳқонобод оралиғидаги 57 чақиримлик масофага пўлат излар ётқизилди. Бу ишга 350 дан ортиқ техника, мингдан зиёд ишчи-муҳандис жалб этилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли йўл хўжалиги бошқармаси, қурилиш-монтаж поездлари, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, «Транссаноатқурилиш», «Кўприққурилиш», «Қаршитаъмирқурилиштаъминот» трестлари ва «Тошнефтгазқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти бунёдкорлари йўл қурилишида алоҳида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллик байрами арафасида замонавий меъморлик услубида бунёд этилган, барча қулайликларга эга дастлабки икки бекат - Тошгузар ва Деҳқонобод бекатлари фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан Деҳқонобод бекатида бўлиб ўтган тантанали маросимда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат фахрийлари, маданият ва санъат намояндалари иштирок этдилар. Уни Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев очди.

Тадбирда сўзга чиққан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси О.Раматов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Ж.Жабборов, деҳқонободлик меҳнат фахрийси Тожинор Холтўраев ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилаётган мазкур йўл мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Файзуллаев сўзга чиқди.

(ЎзА)

ИСТИҚЛОЛ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Муродилла МУСТАФОЕВ, деҳқон хўжалиги аъзоси, Шаҳрисабз тумани

Собиқ шўро даврида бойлик, шахсий мулк, қурилишлар ҳақида гапиришга чўчирдик. Ажабланарлиси яна шуки, ҳалол меҳнат туфайли топилган маблағни қўрқа-писа ишлатардик. Шу боис катта оиламиз торгина зах уйда узоқ йил мобайнида умргузаронлик қилди. Қишлоқларимиз қашшоқлигича қолиб кетди. Ўша кезлар дабдабабозлик, шиорбозлик кўп бўлса-да, меҳнат аҳли юзага чиқмади. Не-не азиз инсонлар ёруғ дунёдан армон билан ўтиб кетишди.

Истиқлол туфайли қадр топдик, ҳурматимиз жойига қўйилди. Одамдек яшаш, ўз иқтидорини намоён этиш имкониятига эга бўлдик. Буни бизнинг қишлоғимиз кишилари мисолида кўрса бўлади. Президентимизнинг ҳаётбахш Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида улуғ ишлар рўёбга чиқмоқда. Жумладан, Шаҳрисабз туманининг тоғ ва тоғолди хўжаликларида 2002-2003 йилларда юридик мақомга эга бўлган 1755 та деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, уларга асосан сувли ерлар ажратилди: Жорий йилнинг ўзида 2248 та деҳқон хўжалиги тузиш режалаштирилганди. Олти ойда мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги фаолият юрита бошлади. Мамлакатимизда тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари яратилган, бизга кенг имтиёзлар берилган.

Касбим ўқитувчи. Бундан беш йил муқаддам шартнома бўйича оила аъзоларим билан 5 сотих ерни ижарага олиб, деҳқон хўжалиги туздик. «Кунчиқар» қишлоқ фуқаролар йиғини ва туман меҳнат бўлими ёрдами билан 1 миллион сўмлик имтиёзли кредит олдик. Айни пайтда «Муродилла-Тезгузар» номи билан аталаётган хўжалигимиз далаларида ғарқ пишиқчилик. Помидордан чунонан ҳосил етилдики, асти қўяверинг. Сархил неъмат консерва заводига топширилмоқда. Саккиз тонна картошка сотиб, оилавий бюджетни мустаҳкамладик. Ҳосилдан бўшаган майдонга бодринг, ошқўклар экдик. Йил охиригача камида уч миллион сўм даромад олиш кўзда тутилмоқда. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидандир.

Меҳнат қилган, албатта муродига етади. Хайрли ишлар кўлами кенгаймоқда. Саксонкапа қишлоғи ҳудудидан Танҳоз дарёси ўтади. Дарё ўзанларида бўш ётган ерлар кўп. Ана шу майдонларда сархил неъматлар етиштиришга дадил киришилди. Биргина «Наврўз» хўжалигидан 160 кишига 35 сотихгача қўшимча ер ажратилди. Оилавий тадбиркорлик ишсизлик муаммосини ҳал қилишдан ташқари, истеъмол бозорини сифатли неъматлар билан тўлдириш, қишлоқ кишилари турмуш шароитини яхшилашда беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Акмал МАМАРАҲИМОВ, Жиззах шаҳридаги «Кант-Умид» фирмаси раҳбари

Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Умри меҳнатда ўтган, қўлигул уста Мамасолиҳ ота кутилмаганда дардга чалинди. Кўнгил сўраб борсам руҳи чўккан, гаплашишга ҳам хоҳиши йўқ эди. Бироз суҳбатдан сўнг уста кўнглини ёзди.

– Бу қанақаси бўлди, ука, - деди у. – Ҳунарлига йўл беришмаса, бешик, тандир ясаш, кичик цехлар очишга қаршилик қилишса. Энг ёмони ўз уйимизда, ўз еримизда қимтиниб яшасак, одамга алам қилмайди-ми?

Ўйлаб қарасам қизил империя даврида республикамизда ҳамма нарса пахта етиштиришга қаратилганди. Ҳатто шаҳарликлар ҳам «оқ олтин» қулига айланганди. Пахта йиғим-терими бошланди дегунча ҳамманинг тинчи бузиларди. Мактабларда, олий ўқув юртларида таълим олаётган фарзандларимизни минг азобда декабр ойигача пахта теришга мажбур қилишарди.

Минг бора шукроналар бўлсинким, Истиқлол туфайли ўз еримизнинг ҳақиқий хўжайинига айландик. Президентимиз бошчилигида халқимиз белни маҳкам боғлаб, бунёдкорликка зўр берди. Ўзим Дўстлик туманида фирма очиб, ота-бобомизга насиб қилмаган хайрли ишларни амалга ошира бошладим. 42 нафар аъзомиз бор. Улар ўз касбининг усталари, ҳақиқий ҳунармандлар. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида қарийб 100 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширдик. Ўнга яқин мактаб, боғчалар сифатли қўлдан чиқарилди, спорт заллари, ошхоналар бунёд этилди. Марказий касалхона биносининг иссиқлик тизими бутунлай янгиланди.

Фермер бойиса, кўпга нафи тегади, деган гап бор. Туманимиздаги саховатпеша тадбиркорлар бунёдкорлик ва таъмирлаш ишларига баҳоли қудрат маблағ ажратиб келишмоқда. Масалан, «Эшниёз бобо», «Қорасув», «Юлдуз», «Шуҳрат» каби ўнлаб фермер хўжаликлари ёрдами билан бунёдкорлик ишлари тобора кенгаймоқда. Барча ерда Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллигига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Энг муҳими, Истиқлол қуёшидан баҳра олиб, ўз меҳнатининг роҳатини кўраётган, уйлар қураётган, тўйлар қилаётган қишлоқ одамларининг хурсандчилиги, шукронаси. Буларнинг ҳаммаси учун Истиқлолга, Президентимизга қуллуқ!

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлаб эълон қилган «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» танлови якунланди

МИРПЎЛАТ МИРЗО (шоир) - Шеърий «Сайланма»си ва жаҳон шеърияти намуналаридан қилган таржималари жамланган «Сомон йўли чечаклари» китоблари учун

АСРОР АБРОРХЎЖАЕВ (журналист) - «Меҳр кўзда» туркум телекўрсатуви учун

АНОРҚУЛ БОЙБЕКОВ (рассом) - «Сирдарё кечувлари» туркумидаги тасвирий санъат асарлари учун

НОДИР ШОАЗИЗОВ (дизайнер) - Инсон руҳияти, қалби ва онгида кечаётган ҳурлик ўзгаришларини тасвирий воситалар орқали моҳирона ёритгани учун

СЕРГЕЙ СПИРИДОНОВ (фотомухбир) - «Ҳарбий ватанпарварлик» мавзуидаги фотосуратлари учун

Қуйидаги ижодкорлар танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:

Муротбой Низонов ва Тўраниёз Қалимбетов (Қорақалпоғистон Республикаси) - «Боршитаулли азамат деҳқон» видеофильми учун

Ориф Омонов (Қашқадарё) - «Оловқалб одамлар», «Фидойи» китоблари учун

Ҳайдар Санаев (Самарқанд) - «Менинг қишлоғим», «Бодом гуллаганда» тасвирий санъат асарлари учун

Малика Ниёзматова - «Новий век» мустақил газетасида чоп этилган «Меҳр ва мурувват йили»га бағишланган туркум мақолалари учун

Дилшода Раҳматуллаева (Хоразм) - «Экология», «Тўрт фасл», «Оқар дарё» тасвирий санъат асарлари учун

Шуҳрат Ориф - «Мустақиллик, маънавият, тикланиш даври» мақолалари учун

Иброҳим Ҳаққул - «Тафаккур» журналида эълон қилинган «Абдулла Қаҳҳор жасорати» эссеси учун

Зиёвуддин Мансур (Наманган) - «Дилраболар диёри» шеърий тўплами учун

Раҳимжон Ризамуҳамедов - «Амир Темур шажараси» тасвирий композицияси учун

Дилбар Раҳимова - «Ўзбекистон - умумий уйимиз», «Ягона оилада» туркум телекўрсатувлари учун

Олимпиада-2004

ЯНА ИККИ БОКСЧИМИЗ - ЧОРАК ФИНАЛДА

Бугун спорт ишқибозларининг нигоҳи Греция пойтахти Афинага қадалган. XXVIII- ёзги олимпиада ўйинлари қизғин паллага кирди. Айрим спорт турлари бўйича ғолиб ва совриндорлар номи аниқланган бўлса, қолган медаллар кун сайин ўз эгасини топмоқда. Спортнинг жамоавий турлари бўйича баҳсларнинг саралаш ўйинлари давом этаётган бўлса, яккакураш турларидан саналмиш дзю-до бўйича курашлар ўз ниҳоясига етди.

Боксчилар баҳсида чорак финалчилар номи аниқланмоқда.

Юртдошларимиздан дастлабки чорак финалчи Ўткирбек Ҳайдаров бўлган бўлса, яна икки вакилимиз Дилшод Маҳмудов ҳамда Шерзод Ҳусановлар чорак финалга йўл олди. 64 килограмм вазнда иштирок этган Дилшод нимчорак финал баҳсида бразилиялик рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Энди унинг чорак финалдаги рақиби кубалик боксчи бўлади.

Шерзод Ҳусанов эса туркиялик Булент Улусойни 23.9 ҳисобида мағлуб этди. У чорак финалда икки карра олимпиада ўйинлари чемпиони Олег Саитовга қарши рингга чиқади.

Енгил атлетика баҳсларида Любовь Перепелова ҳамда Гўзал Ҳуббиевалар иккинчи босқичга йўл олдилар

Умумжамоа ҳисобида 36 та медал жамғарган АҚШ вакиллари етакчилик қилмоқда. Хитойликлик ва япониялик спортчилар кейинги ўринларда бормоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ

Андижон туманидаги Охунбобоев номли ширкатлар уюшмасининг «Ровот» маҳалласида 10 минг аҳолига мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти қуриб битказилди. Бино икки қаватли бўлиб, барча қулайликларга эга. Унда асосан аёллар, болалар ва ногиронларга тиббий хизмат кўрсатилади.

ҚВП ИШГА ТУШДИ

Хакан қишлоқлик саховатпеша инсон Кўзибой ота Сарибоевнинг ташаббуси билан 2 йил муқаддам шарқона усулда чойхона, новвойхона, сартарошхона, қассобхона ва бир нечта тижорат дўконлари қурилиб, ишга туширилган эди.

Бу йил эса тадбиркор ташаббуси билан қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бош пудратчи «Олға» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси бинони тез ва сифатли ниҳоясига етказиш учун астойдил ҳаракат қилди. Хусусан, бу ерда 70 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Жалолиддин ТУРДИЕВ, меҳнат фахрийси

Йўл қурган етгай муродга

УСТЮРТ – ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ

Юртимизнинг шимолий ҳудуди Оролбўйида автомагистралларни кенгайтириш, таъмирлаш, сақлаш ва янгиларини барпо этишга алоҳида эътибор берилаяпти.

Йўллар... Пасту баланд тепаликлар, тандирдек қизиган туя ўркачли қумликлар ҳадҳудудсиз саҳро оралаб олисолисларга қулоч отади. Умумий узунлиги 2294 километрли Андижон-Тошкент-Нукус-Қўнғирот автомобил йўли Устюрт кенгликларини кесиб ўтади. Асримизнинг йирик қурилиши бўлган замонавий иншоотни барпо этишда қудратли техника ва механизмлар, тизимда етарли тажриба орттирган малакали йўлсозлар қатнашаяпти.

Янги магистрал қурилишида лойиҳачи, буюртмачи ва пудратчи ташкилотлардан 585 нафар киши жалб қилинган. Улардан 200 нафарини йўл қурувчилар ташкил этади.

Ихтисослашган йўл-кўприк қурилиш бошқармасининг аҳил ва иноқ жамоаси қийин чўл шароитида ҳақиқий фидойилик намуналарини кўрсатиб, меҳнат қилишаяпти. «Ўзавтойўл» акциядорлик компаниясининг оғир юк ташувчи машина ва механизмлари кечаю кундуз вахта усулида ишлаяпти. Бунёд этилаётган иншоотга қум, шағал ва бошқа қурилиш материалларини ташиб келтириш, асфальт-бетон ётқизиш ишлари аниқ режа асосида олиб борилаяпти.

Ҳар бир участкада ходимлар учун муайян шароитлар яратилган. Вақтинчалик яшаш учун вагон уйчалар бор. Ювиниш, дам олиш хоналари ишлаб турибди. Одамларни ишга келиб-кетиши учун автобуслар ажратилган. Ходимлар уч маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Ишчилар бўш вақтларида телевизор кўриб, газета-журналларнинг янги сонлари билан таништадилар. Ойлик маошлар вақтида бериб борилаяпти.

Бош буюртмачи «Ўзавтойўл» акциядорлик компанияси билан «Тахиатошмахсусйўлкўприққурилиш» бошқармаси ўртасида 7 миллиард сўмлик иш бажариш бўйича шартнома тузилган. Айни пайтда қурилишнинг биринчи навбатини ишга тушириш учун барча чоратадбирлар кўрилаяпти. Устюрт йўллардан фойдаланиш бошқармасининг «Ипак Йўли» ва Тахиатош автомобил йўллари таъмирлаш участкасида машина ва механизмларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш цехлари ташкил этилган. Тажрибали ихтирочи Зоҳиржон Муҳамбетовнинг таклифи билан «Т-10» русумли бульдозернинг гидроқурилмаси такомиллаштирилиб, техниканинг иш унуми оширилди.

– Йўллар менинг ҳаётим, - дейди биз билан суҳбатда «Ёшлик» участкасининг катта устаси Пўлат Утениёзов. – Кўплаб зарбдор қурилишларда қатнашганман. Ҳозир биз бунёд этаётган иншоот мамлакатимизни Марказий Осиё ва Россия давлати билан боғлаш, Шарқу Ғарбга чиқиш учун катта аҳамиятга эга.

– Йўл қуришнинг ўзига яраша машаққати бор, - дея суҳбатга қўшилади «Бўстон» участкаси устаси Рашид Жанабоев. – Аввало, йўлнинг дастлабки қисми пухта тайёрланиши ва сифатли қилиб асфальт ётқизилиши керак. Бунинг учун ҳар бир жараённи бекаму кўст амалга ошириш талаб этилади.

Юксак самарадорлик жамоа фаолиятининг мезони. Грейдерчи Аскарбой Бердибоев, Юсуфбек Примбетов, экскаватор машинисти Сейидниёз Матишев, Омонтурди Пирнафасов, бульдозерчи Абдикарим Юсупов, Ендирбой Болтабоев, юкловчи Рустам Ешмуродовлар ҳар бир юмушни виждонан адо этишга одатланишган.

Ҳайдовчилар Худойберган Дўсимбетов, Жалолиддин Мақсудов, Муслаҳатдин Уснатдинов, Тожибой Ўтибоев қурилиш материалларини пешма-пеш ташиб келтираётган бўлсалар, илғор ишчилар Олим Кенжаев, Қурбон Турдибобоев, Рустам Нажимов асфальт ётқизишни юқори сифатли қилиб бажаришмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири

БЕШКЕНТ АРИҒИ ТИКЛАНДИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Насафнинг 2700 йиллиги олдидан катта бунёдкорлик ишлари амалга оширияпти. Қарши шаҳри аҳолисининг талабларини ҳисобга олиб Кашкадарё вилоят ҳокимлиги бир пайтлар кўмилиб кетган Бешкент ариғини қазиш ва тиклаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ҳайрли иш жадал суръатлар билан олиб бориляпти.

Қирқ йил муқаддам шаҳарнинг қоқ марказини кесиб ўтган бу йирик ирригация иншооти тоғлардаги салқин ҳавони олиб келиб, теварак-атрофга ўзгача файз бағишлаган. Ариқ атрофида ўсган улкан тол ва чинорлар, мевали дарахтлар соясида одамлар ором олишган, об-ҳаётдан томорқаларини суғоришган. «Парчоб» деб аталадиган сув ҳавзасида болалар эртадан-кечгача чўмилиб, ҳордиқ чиқаришган. Катта миқдордаги об-ҳаёт шаршаралари ҳосил қилиб, «Чармгар» маҳалласидаги тегирмонни юритиб, Қарши тумани хўжаликлари, Кўчқак, Пстакент, Лағмон, Каманди, Мағзон каби қишлоқлардаги экинларга об-ҳаёт бағишларди.

Пахта яккаҳокимлигининг таъсири ва маҳаллий раҳбарларнинг эътиборсизлиги туфайли шаҳардаги ягона сув манбаига чиқиндилар тўкилиб, кўмилиб кетди. Вилоят раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан у яна ҳаётини бошлаб, шаҳар маҳаллаларига сув берадиган бўлди.

– Ариқ эски шаҳарнинг «Самарқанд», «Дарвозатутак,» «Чақар,» «Чармгар» маҳаллалари ҳудудидан ўтади, – дейди Бешкент ариғини қазиб-тиклаш лойиҳасининг бош муҳандиси Б.Соҳибов. – Сеорқали Бешкент ариғига қуйилади.

Янги ирригация тармоғидан маҳаллаларга сув чиқариш учун махсус иншоотлар қурилди. Ҳар бирининг узунлиги 20 метрлик 4 та бассейн ишга туширилди. Бетон кўприклар ва бошқа коммуникация тармоқлари бунёд этилди.

Бешкент ариғи қурилишининг лойиҳа қиймати 60 миллион сўм бўлиб, уни «Сувчиирригатор», «Зовурқурилиш», «Махсусзовурқурилиш», «Мелиоқурилиш», «Эскианҳоркакундига бир куб метр об-ҳаёт оқадиган сув Жайҳун кўчасидан бошланади.

«Чапқўрғон» каналининг насос станциясидан сув чиқарилиб, диаметри 500 миллиметрли иккита қувур налқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари жамоалари бунёд этишди.

Янги иншоотни бунёд этиш осон кечмади. Ўнлаб қонунсиз қурилган иморатлар бузилиб, ер ости ва ер устидаги коммуникацияларни, электр ва телефон кабелларини сув ва газ қувурларини кўчиришга тўғри келди.

Бир вақтлар бу сув йўли Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлар экинзорлари, боғ-роғларига ҳаёт бағишлаган. Ширин сувга қонган экинлардан мўл ҳосил етиштирилган. Кўчак қишлоғининг анжири, Лағмон боғларида етиштирилган шираси тилни ёрадиган ҳусайни узумлар жаҳон кўргазмаларида олтин нишон олган. Майиз, туршак ва олмақоқилар хорижий мамлакатлар бозорида харидоргир бўлган.

Қадимий ариқдан сув шарқираб оқа бошлади.

И.ИСОМИДДИНОВ

Ислоҳот одимлари

ҚАЛБИ ҚАЙНОҚ ОДАМЛАР

Нефт-газ саноатини технологик транспортсиз тасаввур этиш қийин. Чуқур конларни қазиш, қудуқларни мустаҳкамлаш, пўлат қувурларни ер қаърига тушириш, оғир юкларни иншоотларга етказиб бериш каби мураккаб юмушлар ана шу механизмлар ёрдамида бажарилади.

Туя ўркачли қир-адирлар, пасту баланд тепаликлар оралаб, чўл йўлларидан шитоб билан бораётган автоуловларни санаб адоғига ета олмайсиз. Улар бўрон кўз очирмайдиган қоронғу кечаларда ҳам, ёз жазирамаси-ю қиш қаҳратонида ҳам асло тиним билишмайди.

Ҳайдовчилар анойи эмас. Дашт шароитида ишлашга кўникиб кетишган. Оғир об-ҳаво шароитига қарамасдан қудратли «КрАЗ» ва «МАЗ» русумли кранлар, нефт ва улкан қувурларни ташувчи автомобиллар, юзлаб механизмлар бир зум тиним билмайди. Замонавий техника воситаларини чўл йўлларида юришнинг ҳадисини олган тажрибали ҳайдовчилар бошқаришади.

Моҳир ишчилар Рўзиқул Ражабов, Темур Шабаев, Сулаймон Тоҳиров, Сайдоли Жуматурдиевлар кончиларнинг оғрини енгил қилишаяпти.

«Муборакнефтгаз»нинг махсус транспорт корхонаси ижара шароитида мустақил фаолият кўрсатади. Автоулов вақтида техник кўрикдан, ходимлар тиббий назоратдан ўтказилаётганлиги, таъмирлаш-тузатиш тадбирлари тез ва соз амалга оширилаётганлиги ишда юксак сифат ва самарадорликни таъминлаяпти. Корхона тасарруфида учта махсус автожамланма бўлиб, икки юздан ортиқ транспорт воситаси бирлашган.

Ҳақиқатан ҳам автоуловлар самарадорлиги ортмоқда. Корхонада паркдан фойдаланиш даражаси 0,9 фоизни ташкил этади. Марказий таъмирлаш цехи ва кўчма техник хизмат кўрсатиш бригадалари ишлаб турибди. Эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари етарли. Етмишдан зиёд янги техника воситалари сотиб олинди.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилинади. Тажрибали механик Абдулла Жумаев, ҳайдовчилар Камол Абдураҳимов, Барака Холниёзов, Зафар Холдоров, экскаваторчи Искандар Худойбердиев , диспетчер Абдураҳмон Каримов, аккумуляторчи Алишер Чўлиев кабилар ўз ишларини пухта бажаришга одатланишган. Тармоқдан 30 миллион сўм соф фойда олинди. Автокорхонада ишлаётган 363 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча қулайликлар яратилган. Дам олиш, овқатланиш хоналари бор. Ошхонада арзонлаштирилган таомлар тайёрланади. Ходимлар рағбатлантириб турилади.

Автокорхона жамоаси «Меҳр ва мурувват йили»да хайрли ишларни амалга оширяпти. Юздан ортиқ меҳнат фахрийлари, қариялар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. «Қурувчи» ва «Геолог» маҳаллаларида яшовчи муҳтож оилаларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Мактаб ва болалар боғчаларига ҳомийлик ёрдами берилди.

Ҳаким ЧОРИЕВ
экскаваторчи

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАНИГА НЕ ЕТСИН!

Шаҳрисабздаги «Дон халқ ризқи» очиқ акциядорлик жамияти қошида ун қоплари ишлаб чиқарадиган замонавий корхона ишга тушди. Хитой технологияси асосида унни қадоқлаш учун зарур бўлган қопларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги корхона учун анча иқтисодий самара берди.

Умумий қиймати 451 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига қурилган ушбу корхона бир кунда 8 минг дона 50 килограмли ун қопи ишлаб чиқариш қувватига эга.

– Байрам арафасида ишга туширилган корхона ускуналари Хитойнинг Чангчтау шаҳридан олиб келинди, – дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Холмат Исмоилов. – Бу ерда 80 нафар киши иш билан таъминланди.

Илгари ишлаб тайёрланган маҳсулотларни қадоқлаш учун ун қоплари четдан келтириларди. Эндиликда бу маҳсулот корхонанинг ўзида тайёрланяпти. Вилоятда ягона ҳисобланган ушбу корхонада хомашёдан ип-калава ишлаб чиқарилгандан сўнг, мато тўқилади ва қоп ишлаб чиқарилади.

Суратларда: Янги корхона иш фаолиятидан лавҳалар

Ш. СУЛТОНОВ
олган суратлар

СПОРТ МАЖМУАСИ

Ҳар бир инсон ўз зурриёдини соғлом ва баркамол қилиб улғайтириши фарз. Шу боис ҳукуматимиз соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор билан қарамоқда. Бунда спортнинг аҳамияти катта.

Яқинда Сайхунобод туманида улкан спорт мажмуаси ишга туширилди. Тантанага каминани ҳам таклиф этишди. 172 миллион сарфлаб, ажиб бир кошона барпо этилганига гувоҳ бўлдим. Бу ердаги шароитга ҳавасинг келади. Ахир биз ҳам ёш бўлганмиз. Ҳеч ким биз ҳақимизда қайғурмаган. Ўзимизча чиллак ўйнаб, кураш тушиб улғайганмиз. Эндичи, вазият тамомила бошқача. Ёшларимизга ҳамма нарса тайёр, мунтазир. Бунинг қадрига етиш керак.

Турсун ота НОРМИРЗАЕВ
меҳнат фахрийси

ЕТАКЧИГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Куни-кеча Самарқанд туманидаги «Алпомиш» номли болалар оромгоҳида вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси тизимидаги бошланғич ташкилотлар раҳбарларининг ўқув семинари ўтказилди. Бундан кўзланган асосий мақсад меҳнаткашлар манфаатини ҳимоялашда касаба уюшманинг ролини оширишдан иборатдир.

Тўрт кун давом этган ўқув машғулотлари аниқ дастур асосида олиб борилди. Тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳамда вилоят қўмитаси масъул ходимларининг долзарб масалаларга бағишланган маърузалари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференциялари ва умумий йиғилишларни ўтказиш ҳамда таълим муассасаларида жамоа шартномалари бандларининг мониторингини олиб бориш бўйича тренинг машғулотлари бўлиб ўтди.

Касаба уюшма етакчилари иштирокидаги қизғин савол-жавоб ва муҳокамалар семинарнинг жонли ўтишини таъминлади. Қувонарлиси, улар ўзаро тажриба алмашиш, бир-бирларининг муваффақиятларидан ўрганиш имконига эга бўлдилар.

Т. ШЕРНАЕВ

КИТОБХОН ОИЛА

Андижон вилоят маданият ишлари бошқармасига қарашли Бобур номли илмий–универсал кутубхонада «Энг яхши китобхон оила» кўрик–танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди. Танлов иштирокчилари «Оила, китоб ва кутубхона», «Билимдонлик баҳси» ва эркин мавзуларда куч синашдилар

Улар ўзларининг билимдонлиги ва ижро маҳорати билан томошабинларда катта таассурот уйғотишди. Гўзал куй–қўшиқ, жозибали рақс ва таъсирчан саҳна чиқишлари тадбирга кўтаринкилик бағишлади.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра I ўринга Бўз туманидан Қурбоновлар оиласи, II ўринга жалақудуқлик Ортиқовлар ва избосканлик Мадалиевлар оилалари, III ўринга Қўрғонтепа туманидан Тўйчиевлар оиласи сазовор бўлди.

Ғолиблар маданият ишлари бошқармаси, «Олтин мерос» халқаро жамғармаси бўлими, «Соғлом авлод учун» вилоят таянч пункти ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлимининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

М.КАРИМОВА

ҚИШЛОҚДА ҚЎШМА КОРХОНА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида Тўрақўрғон туманидаги 30 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган қишлоқлардан бири - Шаҳандда янги «Ас-Шах текстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда 200 нафарга яқин қишлоқ аҳолиси, айниқса аёллар ва қизлар иш билан таъминланди. Қўшма корхона трикотаж мато ишлаб чиқаради.

Сўнгги йилларда республика енгил саноат тармоғи ўз салоҳиятини изчил ошириб бормоқда, бу борада хорижий инвестиция фаол жалб қилинмоқда, янги қўшма корхоналар ташкил этилаётир. «Ас-Шах текстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг ташкил этилиши бу йўналишдаги яна бир янги қадам бўлди.

- Қатор халқаро банкларнинг кредит линияларидан фойдаланган ҳолда хорижий инвестицияларни жалб қилиш туфайли яна бир янги қўшма корхона барпо этилди, - деди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи Х.Раззоқов. - Масъулияти чекланган жамият кўринишидаги янги қўшма корхона «Шаҳанд» тирикотаж фабрикаси негизида ташкил этилди. Туркиянинг «Астоп» фирмаси эса қўшма корхона ҳаммуассиси ҳисобланади.

Қўшма корхона бош директори Қодир Охуновнинг сўзларига кўра, корхонанинг низом жамғармаси 2 миллион 354 минг АҚШ долларини ташкил этади. Бу маблағнинг 70 фоизини ҳамкор томон қўшади.

«Ас-Шах текстил» корхонаси замонавий технологик ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, етарлича ишлаб чиқариш қувватига эга. Бир ой давомида корхона 180 тоннага яқин трикотаж мато ишлаб чиқариши мумкин. Фабрика тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда бир ойда 200 тонна бўялган ва 320 тонна оқланган трикотаж ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Тўқимачилар ўз маҳсулотининг 80 фоизга яқинини экспорт қилиш ниятида.

Янги корхонанинг Шаҳанд қишлоғида очилиши вилоят ҳаётида муҳим воқеага айланди. Тадбирга республикамиз вазирликлари, идоралари, банк муассасалари вакиллари, оммавий ахборот воситалари, хорижий элчихоналар ва компаниялар ходимлари таклиф этилди.

Тантанали йиғилишни Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов очди.

Йиғилишда сўзга чиққан Туркиянинг Ўзбекистондаги элчисининг биринчи маслаҳатчи-котиби Сермет Улкер, «Астоп» фирмаси президенти Али Нарин, «Ас-Шах текстил» корхонаси ишчиси Х.Неъматуллаева янги қўшма корхона икки мамлакатнинг ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаши, республикамиз экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилиши, унинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишига ёрдам беришини таъкидлади.

Қўшма корхонанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М.Усмонов сўзга чиқди.

(ЎзА)

БАЙРАМ ТАДБИРИ

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг марказий майдонларни ободонлаштириш махсус бошқармаси ходимлари Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллиги муносабати билан байрам тадбири ўтказишди.

Пойтахт кўчалари ва хиёбонлари ҳамиша озода ва кўркам. Айниқса, байрам олдидан олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари унинг чиройини янада очмоқда. Буни ободонлаштириш бошқармаси ходимларининг хизматисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар ҳар куни ҳали кўпчилик ширин уйқудалигида кўчаларни тартибга келтиришади.

Тадбирда уларнинг фаолиятига юқори баҳо берилиб, юрт кўркамлиги учун хизмат қилаётган, ишчанлиги, меҳнатсеварлиги билан жамоа орасида ҳурмат қозонган ишчи-хизматчиларга фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Бухоро вилоятидаги энг чекка ҳудудлар билан барқарор уяли алоқани таъминлаш мақсадида россиялик мутахассислар замонавий алоқа ускуналарини ўрнатишмоқда.

Ускуналар Япония ҳукумати ташқи иқтисодий ҳамкорлик банки (JIBIC) маблағлари эвазига сотиб олинди. Мазкур станция Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилади.

БЎСТОН ГАЗЛАШТИРИЛДИ

Улуғнор туманидаги икки мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Бўстон қишлоғига ҳам табиий газ келди. Қишлоқ аёллари бу қулайликдан жуда мамнун бўлишмоқда.

Бўстон қишлоғи ички имкониятлар, нобюджет маблағлар эвазига, шунингдек, маҳаллий тадбиркорлар ва фермерларнинг мурувват ёрдами билан газлаштирилди. Туман газлаштириш идораси томонидан ўн икки километрлик масофага газ қувури тортилди.

Айни пайтда туманнинг етмиш фоиз аҳолиси табиий газ билан таъминланди.

"Туркистон-пресс"

ФАРЗАНДЛАР ҚУВОНЧИ

Навоий-Учқудуқ-Мискин темир йўлининг ишга тушиши Қизилқум ҳудудида яшаётган аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш шароитини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган қисқа вақт ичида темир йўл ёқасида кўплаб бинолар қурилиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси буюртмаси асосида бунёд этилган мактаб Учқудуқ туманидаги «Бузовбой» станциясида яшаб меҳнат қилаётган темирйўлчилар ҳамда чорвадорлар фарзандларига байрам совғаси бўлди. Мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида ишга тушган 160 ўринли мактаб қурилишига компания 670 миллион сўм маблағ сарфлади.

Таажжуб!

ҚОНУНГА ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Меҳнат муносабатларидаги меъёр кўп ҳолларда раҳбарнинг манманлиги ва ходимнинг ўзбошимчалиги оқибатида бузилади. Лавозим мажбуриятларини ёки хизмат вазифасини тўла бажармаслик интизомий жазо қўлланилишига олиб келади. Қонун талабини бузган ходим қонун доирасида жазоланиши шарт. Акс ҳолда жамоада бошбошдоқлик авж олиб кетади. Бунинг олдини олиш учун раҳбар қатъият билан адолатли иш юритиши керак.

Меҳнатга оид низом ҳолатларининг мантиқий таҳлили шуни кўрсатадики, бундай вазиятларда раҳбарларнинг қонун талабини тўлиқ бажармаслиги, ҳатто кўнгилчанглиги сабаб бўлади. Айниқса, қишлоқ жойларда бу яққолроқ кўзга ташланади. Меҳнат интизоми бузилган ҳолатларни аниқ қайд этмаслик, кўрилган чораларни тўғри расмийлаштирмаслик, қонунда белгиланган тадбирларни амалга оширмаслик ходимнинг ишга тикланишига асос бўлади. Ҳолбуки, айрим ҳолларда ходим айбдор эканлиги аниқ бўлади. Лекин бу ҳол ҳужжатлар билан асослаб берилмайди. Қонунда ходимнинг айбли ҳаракатларини исботлаб бериш иш берувчининг зиммасида эканлиги белгилаб қўйилган.

Қисқаси, қонун талабларини билмаслик, ёки унга эътиборсизлик билан қараш оқибатида айрим раҳбарлар ўзларининг интизомий чора қўлаш ҳақидаги буйруқларини бекор қилишга мажбур бўлмоқда. Шу туфайли 2004 йилнинг биринчи ярмида таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси томонидан бир қанча ходимлар, жумладан, Самарқанд шаҳридаги 55-МТМ ходими Ш.Раҳимова, Қўшрабоддаги 12-боғча тарбиячилари М.Алимардонова, З.Орзиқулова, Ф.Холбековалар ўзларининг аввалги ишларига тикланишди. Ургут туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси Б.Тугаловга соғлиғига етказилган зарар учун товон пули ундириб берилди. Бу ходимга туман касаба уюшма қўмитаси ҳам даволаниш учун моддий ёрдам кўрсатди.

Ушбу муаммонинг бошқа бир жиҳати жойларда ҳуқуқшунос-мутахассисларнинг йўқлигидир. Бирорта туман халқ таълими бўлимларида ҳуқуқшунос лавозими жорий қилинмаган. Кадрлар бўлими вазифалари бирор бир мутахассисга юклатиб қўйилган. Улар эса ўзларининг асосий ишларидан ортиб меҳнат Қонунчилиги мукаммал қўлланилишини таъминлай олмайди. Шунинг учун ушбу масалалар ечим топмагунча меҳнат муносабатларидаги муаммоларга барҳам бериб бўлмайди.

И.ҲОЖИЕВ,
Самарқанд вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳуқуқшуноси

«Ишонч» фош этади

КИРИМ ҲУЖЖАТЛАРИ ХУРЖУНДАМИ?

Айби борнинг тиззаси қалтирайди, деганлари рост экан. Бухоро томон КамАЗ машинасини елдек учириб келаётган Ғафур Абдуқодиров тўхташга ишора қилган автоинспекторни кўрди-ю ранги докадек оқариб кетди. Тамом, юкхонадаги ноқонуний товарлар ҳам, кира ҳақи ҳам қулоғини ушлаб кетадиган бўлди.

Ғафур Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидаги Ш.Жуманиёзов номли ширкат хўжалигида истиқомат қилади. Қачон қараманг, давлат рақами 23 АН 689 бўлган автомашинада кира қилгани қилган. Машина қайси корхона ва ташкилотга тегишли эканлигини ҳеч ким билмайди. Чунки доимо унинг ҳовлисида турган бўлади-да. Шу боис мижозлар бирор хизмат чиқиб қолса, дарров излаб қолишади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Қўшни қишлоқлик З.Насриддинов ва Д.Шамсиевлар уйда яшириб қўйган чет эл сигареталарини Бухоронинг марказий бозорига элтиб беришни илтимос қилиб қолишди. Сигареталар тахланган қоғоз қутилар унчалик оғир эмас, юклаш учун анча қулай. Лекин омади келиб турганида, автоинспектор ишнинг белига тепди. Аксига олиб унинг ёнида солиқчилар ҳам бор эди.

Ҳайдовчи кабинадан тушиб текширувчилар «тилини» топмоқчи бўлдию лекин қўлидан келмади. Солиқ хизмати ходимлари юкхонадаги товарларнинг ҳужжатини суриштиришга тушдилар. Ғафур жўяли жавоб беролмади. Юкхонага фуқаро З.Насриддиновга тегишли 3990 қути, Д.Шамсиевга тегишли 400 қути сигареталар жойланганлиги маълум бўлди. Ноқонуний тамаки маҳсулотлари масала ҳал бўлгунча Ғиждувон туманидаги «Истам-Анвар» хусусий фирмаси омборида сақланадиган бўлди.

Амалдаги қонун-қоидаларга риоя этмай, даромад орттиришга ружу қўйган учарлар, афсуски барча вилоятларда учраб туради. Яқинда Бухоро вилояти солиқ хизмати ходимлари Ғиждувон шаҳар М.Ашрафий кўчасидаги фуқаро М.Шодиевга тегишли дорихонада қисқа муддатли текширув ўтказиб, бир қатор ҳуқуқбузарликларни аниқладилар. Маълум бўлишича, дорихона лицензиясиз ва рўйхатдан ўтмай фаолият кўрсатаётган экан. Бундан ташқари, катта миқдордаги ҳужжатсиз дори-дармонлар сотувга қўйилган эди. Далилий ашё сифатида олинган 10 миллион сўмлик маҳсулот вақтинча сақлаш учун «Мададкор фарм» корхонасига топширилди.

Шаҳардаги А.Ғиждувоний номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг А.Шодиев мудир бўлган дўкон фаолияти текширилганда эса салкам 3 миллион сўмлик камомад чиқди. Тўпланган ҳужжатлар ҳозир тегишли идоралар томонидан ўрганиляпти.

Шунга ўхшаш ҳолатлар Сурхондарё вилоятида ҳам тез-тез кўзга ташланмоқда. Яқинда Жарқўрғон туманидаги «Саховат-Зиё» савдо ишлаб чиқариш корхонасида ўтказилган қисқа муддатли текширувда сотувчи С.Маркаев 1,5 миллион сўмдан ортиқроқ савдо пулини НКМга кирим қилмаганлиги маълум бўлди.

Бир қатор савдо шохобчаларида спиртли ичимликлар билан савдо қилишда белгиланган қоидалар қўпол равишда бузиляпти. Бундай ҳоллар кўпроқ Самарқанд вилоятида кўзга ташланмоқда. Самарқанд шаҳридаги Рудакий кўчасида жойлашган «Шаробсавдо» ҳиссадорлик жамиятига тегишли 2-сонли дўконда ўтказилган қисқа муддатли текширувда сотувчи А.Исломов 301,4 минг сўмлик спиртли ичимликни кирим ҳужжатларисиз сотаётганлиги маълум бўлди.

Тойлоқ туманидаги Сочақиболо қишлоғида истиқомат қилувчи С.Омонова эса қўлбола ароқ цехи ташкил этибди. Текширув ўтказилган куни цехдан 19 литр спирт, 1822 дона бурама қопқоқ, 41 дона қалбаки акциз маркаси, 147 та ёрлиқ, турли хил мосламалар далилий ашё сифатида олинди ва ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Тошкент шаҳрида эса йил бошидан буён 50 та яширин цех фаолиятига чек қўйилди. Уларнинг бири Шайхонтоҳур тумани Каттабоғ кўчасидаги уйларнинг бирида ташкил этилган эди.

Умуман, ўтган ойлар давомида шаҳар солиқ хизмати ходимлари томонидан қисқа муддатли текширувлар ўтказилиб, кўпгина ҳуқуқбузарликларни бартараф этдилар. Харидор билан ҳисоб-китоб вақтида НКМни ишлатмаган ва унинг хотирасига савдо пулларини киритмаган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ 1004,1 минг сўм молиявий жарима қўлланилди. Чет элларда ишлаб чиқарилган ҳужжатсиз 59,4 миллион сўмлик спиртли ичимлик савдоси тўхтатилди. Қонунбузарликка йўл қўйган тижоратчиларга 45,6 миллион сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилди.

Жасур НОСИРОВ

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Ходимлар билан иш берувчи маълум бир муддатга меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи қонун билан белгиланганми? Қайси ҳолларда муддатли меҳнат шартномаси тузилиши мумкин?

Агар қонунга зид равишда муддатли меҳнат шартномаси тузилган бўлса ва ходим меҳнат шартномасининг муддати тугаши муносабати билан вазифасидан озод қилинса, ўз ўрнига тикланиши мумкинми?

Тўхтахон МАДАМИНОВА, Андижон шаҳри

ЖАВОБ: Меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 72-76 моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда тузилмоғи керак.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва у иш берувчига ҳамда ишга қабул қилинаётган шахсга сақлаш учун топширилади.

Меҳнат шартномасининг намунавий шакли Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган. Иш берувчи ва ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассислар меҳнат шартномасини тузиш ва имзолашда албатта ишга кирувчиларга меҳнат шартномасининг ҳар бир бандини тушунтириб беришлари ва тўлғазишлари шарт.

Меҳнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланади ҳамда мансабдор шахснинг имзоси, муассаса муҳри билан тасдиқланади.

Қонунга асосан меҳнат шартномасининг муддати уч хил бўлади. Меҳнат шартномалари: а) номуайян муддатга (муддатсиз); б) беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга; в) муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Меҳнат Кодексининг 76-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майдаги қонунига асосан муддатли меҳнат шартномалари:

– бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда:

– Корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан:

– қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Демак, Қонуннинг талабидан, 76-модданинг сарлавҳасидан кўриниб турибдики, доимий бўш лавозимга муддатли меҳнат шартномаси тузган ҳолда ходимни ишга қабул қилиб бўлмайди. Иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи чекланган. Вақтинчалик ишда бўлмаган (таътилда бўлиши, вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва бошқа сабабларга кўра) ходимнинг ўрнига ишга қабул қилинганда ҳамда ишга кирувчи ходимнинг аризасига биноан ва юқорида кўрсатиб ўтилган ҳоллардагина ходим билан беш йилгача бўлган муддатли меҳнат шартномаси тузилади. Агар бу талаб бажарилмаса, Меҳнат Кодексининг 5-моддасига мувофиқ бу тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Муассаса раҳбарлари, ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассисларнинг Меҳнат қонунчилигини яхши ўзлаштирмаганликлари туфайли амалиётда ходимларни ишга қабул қилишда ва иш давомида қонунга риоя қилинмаган ҳолда муддатли меҳнат шартномаси тузадилар. Бу иш берувчи учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишнинг энг осон усули ҳисобланади. Ходимнинг Меҳнат шартномаси тугаши муносабати билан Меҳнат Кодексининг 105-моддаси асосида у вазифасидан озод қилинади.

Ҳар бир ходим ҳам ўз ҳуқуқий билимини ошириб бориши зарур. Ходим меҳнат шартномасига, ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ билан танишиб имзо чекишдан олдин бу ҳужжатларни аҳамият бериб ўрганиб чиқиши зарур.

Агар муддатли меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 76-моддасига зид ва ходимнинг ёзма розилигисиз тузилиб, шу сабабли ходим вазифасидан озод қилинса, унинг аризасига мувофиқ иш берувчининг ўзи ёки меҳнат низоларини кўрувчи органлар (комиссия, суд) ходимни ишга тиклаши мумкин.

Булардан ташқари Меҳнат Кодексининг 9-моддасига мувофиқ касаба уюшма қўмитаси меҳнат муносабатларига оид шартнома, буйруқларнинг қонунийлигини доимий назорат қилиб бориши зарур.

Саволларингизга ҳуқуқшунос Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: Менинг ёшим 58 да. 40 йиллик умумий меҳнат стажига эгаман. Ҳозирги пайтда, саломатлигим бироз ёмонлашган. Менга муддатидан олдин – имтиёзли пенсия тайинлаш хусусида маълумот беришларингизни сўрайман.

Абдурасул СОДИҚОВ, Навоий вилояти, касб ҳунар коллежида ишлаб чиқариш устаси

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига кўра ҳамда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар:

эркаклар – 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда:

аёллар – 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда ёшга доир пенсияларни муддатидан олдин олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бундан ташқари, Сизнинг енгил саноат коллежида электромонтёр гуруҳида ишлаб чиқариш устаси лавозимида ишлаётганингиз эътиборга олиниб, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги № 250-сонли қарори билан тасдиқланган 3-рўйхат VII-қисмига асосан ҳамда юқорида қайд этилган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуннинг 12-моддаси к) бандига мувофиқ ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари – махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда, умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳамда Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан 1994 йил 5 сентябрдаги № 9-28/05-1411-тушунтириш хатига биноан ишлаб чиқариш таълими усталари – педагог (ўқитувчи)-лар сингари имтиёзга эга бўлишлари назарда тутилган.

САВОЛ: – Артистларнинг ва бадиий ходимларнинг пенсияларига қўшиб тўланадиган устамалар ва уларнинг миқдори ҳақида тушунтириш берилишини сўраймиз.

О.ХОЛИҚОВА, Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг амалдаги пенсия қонунчилигининг 28-моддаси л) ва м) бандларига мувофиқ қуйидаги тоифадаги артистлар ва бадиий ходимларнинг пенсияларига устама ҳақлар қўшиб тўланиши кўзда тутилган:



– л) ёшидан қатъий назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга – энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида:

– м) театр – концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчиларига ва концертмейстерларига, Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга кўра – энг кам ойлик иш ҳақининг – 50 фоизи миқдорида устама ҳақ тўланади.

САВОЛ: Чет элда ишлаган вақт пенсия тайинланишида ҳисобга олинадими?

А.МУРОДОВ, Самарқанд вилояти

ЖАВОБ: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 40-моддасига мувофиқ фуқароларнинг чет элларда ишлаган даврлари, башарти Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, пенсия тайинлашда ҳисобга олинадиган меҳнат стажига қўшилади.

Тадбиркорлик – давр талаби

Шаҳрисабз туманида 850 дан ортиқ кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар мавжуд бўлиб, уларда 5000 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланган.

ЎТТИЗ ХИЛ МАҲСУЛОТ

Хусусан, «Шаҳриинтернейшнл» Ўзбек- Америка, «Компас-Оқсув» Ўзбек-Россия, «Оқсарой тўқимачи» Ўзбек-Япония-Туркия, «Кумуш-Кархил» Ўзбек-Британия, «Шаҳри-Кеш» Ўзбек-Туркия, «ЎзБаш-Ко» Ўзбек-Бошқирдистон қўшма корхоналарида жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

«Буюк Ипак йўли» кўчасида жойлашган «Шаҳрисабзнон» масъулияти чекланган жамиятда айни пайтда бир неча турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада Германиянинг «Winkler» компанияси ускуналари ўрнатилгандан сўнг, бу ерда ишлаб чиқариш қуввати янада ошди. Аниқроқ қилиб айтганда, бугунги кунда корхонада 30 турдан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Шаҳло Жумаева, Чарос Ҳасанова, Нигора Тўраева, Нусрат Норматов сингари ишчиларнинг саъй-ҳаракати билан иссиқ нонлар ўз харидорини топаяпти. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар корхона қошидаги дўконда сотилмоқда. Бу ерда куннинг исталган вақтида харидор ўзига ёққан маҳсулотни харид қилиши мумкин.

– Жамоамиз турли кўрик-танловларда иштирок этиб, мукофотларга сазовор бўлаётганлиги бизни янада унумлироқ меҳнат қилишга ундамоқда, - дейди корхона раҳбари муовини Зайниддин Негматов. – Масалан, «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг туман босқичида иштирок этиб, мукофотга сазовор бўлдик. Ҳозирги кунда туман тадбиркорлар палатаси қошида Ахборот маслаҳат маркази ишлаб турибди. Бу ерда ишбилармонларга бевосита ишни ташкил этиш учун ёрдам кўрсатиш билан бирга ҳуқуқий маслаҳатлар берилади. Бизнес инкубатор билан ҳамкорликда компьютер сабоқлари бўйича ўқув курслари ташкил қилинган. Бундан ташқари, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича 2004-2005 йилларга мўлжалланган Дастур ишлаб чиқилган. Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, тармоқ касаба уюшма вилоят қўмитаси ҳамкорлигида тадбиркорлар ўртасида ўқув-семинар машғулотлари ўтказиляпти.

Айни пайтда, палата томонидан умумий қиймати 39 минг АҚШ долларига тенг бўлган катталар ва болалар оёқ кийимлари ишлаб чиқарадиган «Кешпласт» қўшма корхонаси ташкил этиш бўйича иш олиб борилмоқда. Шунингдек, туманда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 150 миллион 700 минг сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу эса ҳудудда тадбиркорликни янада кенгайтириш учун катта имкониятлар очиб берди.

НУРБЕК

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Мустақиллик байрами арафасида Жиззах вилоятида бир қатор маданий-маиший бинолар, ўқув даргоҳлари, дам олиш, соғломлаштириш муассасалари ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

БОЛАЛАР ИСТИРОҲАТ БОҒИ

Шулардан бири – Жиззах шаҳридаги «Истиқлол» болалар истироҳат боғидир. «Жиззахсувқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда қатор ҳомий ташкилотларнинг саъй-ҳаракати билан бутунлай қайта таъмирланиб, замонавий кўриниш олган бу гўша болажонларнинг севимли масканига айланиши шубҳасиз.

Яқинда бу масканда катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Вилоят туманларидан, Жиззах шаҳар маҳаллаларидан, 29-Меҳрибонлик уйидан болалар таклиф этилиб, байрам дастурхони уюштирилди. Ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оила фарзандларига меҳр-мурувват кўрсатилди. Улар боғ ҳудудини томоша қилиб, сув ҳавзаларида чўмилишди, арғимчоқларда учишди, поездда масза қилиб сайр қилдилар. Боғ ҳудудидаги барча умумий овқатланиш шохобчалари, салқин ичимликлар, музқаймоқ дўконлари болажонлар хизматида бўлди.

Бу ерда барпо этилган спорт мажмуаси, ҳайвонот боғи, соябонлар, анвойи гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар боғ кўркига кўрк қўшиб турибди.

Б.НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

АКАДЕМИЯДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Бадиий академиясида До Минь Куй раҳбарлигидаги «Вьетнам-Ўзбекистон» дўстлик жамияти аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ўзбек миллий маданияти ва санъати тобора ривожланаётгани, айниқса ёш истеъдод соҳибларини ҳар томонлама рағбатлантириш ва уларнинг ижоди учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Айни пайтда ўзбек тасвирий санъат усталари кўплаб халқаро танловларда совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

Гулом ХИДИРОВ олган суратлар

Президентимиз Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айтганларидек, газлаштириш бу фақат коммунал масала эмас, бу аввало, аёлларга шароит яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, қолаверса, оилага, маҳаллага маданият олиб кириш, одамларнинг ҳаёт даражасини ўзгартириш демакдир.

ГАЗ ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

Шунинг учун ҳам эндиликда бошқа соҳалар қатори газ таъминотини яхшилаш ва ривожлантиришни жадаллаштириш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Шунга мувофиқ филиалимиз жамоаси ҳудудда газ таъминотини яхшилаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар асосида кўпгина ишларни амалга оширмоқдалар.

Хусусан, мавжуд табиий газ билан газлаштирилган 10600 та аҳоли хонадонларига ва 303 та улгуржи табиий газ истеъмолчиларига жами 423,7 километр узунликдаги газ қувурлари орқали ўз вақтида ва узлуксиз газ етказиб берилмоқда.

«Пскенттумангаз» филиали томонидан биргина ўтган йили аҳоли хонадонларига 70674,2 метр куб, улгуржи истеъмолчилар учун эса 7227,3 метр куб табиий газ етказиб берилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични бир неча баробарга ошириш мўлжалланган.

Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг Республика газ тармоқлари, корхоналари ва муассасаларининг 2003-2004 йилларнинг куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш мақсадидаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар қилинмоқда. Бунга кўра куз-қиш мавсумида газ таъминотида узилиш бўлмаслиги учун мавжуд камчиликлар бартараф қилинаётир. 423,7 километр узунликдаги газ қувурларининг ҳолати мунтазам равишда назорат қилинмоқда. 239 та газ тақсимлаш қутисида профилактик созлаш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, газ тармоқларини халқалаш, янгиларини қуриш ва мавжудларини узайтириш, эскириб қолганларини таъмирлаш, янгилаш, газ босимини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, Аҳмад Дўстбеков номли ширкат хўжалигининг Сувти қишлоғида яшовчи аҳоли хонадонларини қиш мавсумида табиий газ билан таъминлашни яхшилаш ва газлаштирилмаган хонадонларни «зангори олов» билан таъминлаш мақсадида 1,7 километр газ қувури халқалаш ишлари бажарилди. Шунингдек, Х.Бегматов маҳалласидаги 141 та аҳоли хонадонларига газ етказиб бериш мақсадида 2,5 километрлик қувурларга қўшимча 500 ўрта босимли газ қувури тортилди. Яна йил охиригача бир нечтадан янги халқалар, тармоқлар барпо этиш ҳам мўлжалланган.

Бундан кўриниб турибдики, туманда газ таъминотини яхшилаш борасида катта ҳажмдаги ишлар, аввало, хонадонларда «зангори олов»дан фойдаланишни кучайтириш ва яхшилашга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, барча истеъмолчилар ишлатилган газнинг ҳақини кечиктирмай, вақтида тўлаб туришлари лозим. Яна шуни унутмаслик керакки, «зангори олов» билан таъминлашни тубдан яхшилашга қаратилган барча юмушлар, аввало, одамлар турмуш маданиятини яхшилаш, ҳаёт тарзини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Умар ТУЛЕПОВ, «Пскенттумангаз» филиали етакчи муҳандиси

Қарор ва ижро

УМИДЛИ ЁШЛАРДАН УМИД КАТТА

Саноқли кунлардан сўнг Самарқандда мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада-2004» мусобақалари бошланади. Ушбу спорт байрамига қорақалпоғистонлик ёшлар ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқда.

- Мусобақаларда юздан ортиқ талабамиз спортнинг 12 тури бўйича беллашади, - дейди Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университети жисмоний тарбия факультети декани Пўлат Серимбетов. - Наманганда ўтган мусобақаларда кураш бўйича Мурат Болтаниёзов олтин медални қўлга киритган бўлса, Бухоро университетидаги волейболчи йигитларимиз 3-ўринни эгаллаган.

Қорақалпоғистонлик талаба-спортчилар орасида оғир атлетика бўйича қатор халқаро мусобақалар совриндори Бахтиёр Нуруллаев, кураш бўйича ёшлар ўртасида Жаҳон чемпиони Низомиддин Хўжабоев, миллий кураш ва самбо бўйича Ўзбекистон чемпиони Азамат Турданов сингари иқтидорли ёшлар бор. Улар ўз университетига совринсиз қайтмаслигига ишонамиз.

(ЎзА)

Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзуйжойжамғармабанкнинг» Оҳангарон бўлимида соҳани имтиёзли кредитлаш жамғармаси ташкил этилган бўлиб, ушбу маблағлар ҳисобидан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Жумладан, банк бўлими томонидан жамғармага жорий йил олти ойи давомида 30,7 миллион сўм ажратмалар шакллантирилди. Натижада тадбиркорлар томонидан банк бўлимига ҳеч қандай эътирозлар бўлмади. Маблағларни мақсадли ишлатилиши бўйича эса доимий мониторинг ўрнатилган.

Суратларда: банк ходими (ўртада) Б.Каримов хусусий тадбиркорлар К.Аноркулова ва М.Норқуловалар билан суҳбатлашмоқда; илғор ходим Н.Ўтаева.

Мухбир нуқтаи назари

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш интизомини ошириш ва сифатли махсулотлар сотилишини таъминлаш борасида қатор қарорлар қабул қилиниб, ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

ХУФЁНА ИҚТИСОД

Албатта, бунда олиб борилаётган кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлар, назорат қилувчи органлар фаолиятининг оммага «очиқ эшик» тарзида юз тутганлиги самарасидир. Фикримизнинг исботи ўлароқ, йиллик бюджет тушумлари Юнусобод туманида 2003 йилнинг биринчи ярмида 44 фоиз йиғилган бўлса, жорий йилнинг ушбу даврида 51 фоизни ташкил этди. Натижада солиқ тўловчиларнинг тўловчанлик даражаси қарийб 9 фоизга ўсди. Яна бир далил. Агар ўтган ҳисобот йилида бюджет тушумларининг 83 фоизга яқини солиқ тўловчилар томонидан ва қолган 17 фоизи қонун билан белгиланган тарзда мажбурий ундирув орқали туширилган бўлса, жорий йилда бу рақам 88 ва 12 фоизни ташкил қилди. Бу эса фуқароларнинг тўлов маданияти шаклланиб бораётганидан далолатдир.

Нақд пул тушуми бўйича ҳам жорий йилнинг биринчи ярмида режа ортиғи билан бажарилди. Яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 миллиард сўм кўп пул туширилди. Шунга қарамасдан хуфёна иқтисод билан шуғулланаётган кимсалар ҳамон учраб турибди. Шу билан бир қаторда бозор иқтисодиёти талабларига кўника олмаётган, ўзининг манфаатларига ружу қўйган сохта тадбиркорларимиз ҳам йўқ эмас.

Хўш, хуфёна иқтисоднинг ўзи нима? Ҳозирда бу тез-тез учраб турадиган атама бўлиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан ёки ўтсада, икки ёқлама бухгалтерия орқали назорат органларидан яширилган ҳолда фаолият олиб бориб, ноқонуний даромад олишдир. Ёлланма ишчи кучидан фойдаланиб, уларга норасмий ҳақ тўлаш, ҳақиқий даромадни қасддан камайтириб кўрсатиш, харид чеклари бермаслик, нақд пулни банк муассасаларига топширмасдан ўзлаштириш каби ҳолатлар ҳам хуфёна иқтисоднинг белгиларидан ҳисобланади.

— Ушбу хавф ривожланишга тўсиқ бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида соғлом рақобатни издан чиқармоқда,-дейди туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Холбута Исматов. — Натижада ҳақиқий тадбиркор ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳажмининг пасайишига, иш ўринларини қисқариши, товарлар сотилмагач, нақд пул тушумлари камайишига олиб келаётир. Энг ачинарлиси, фуқароларнинг нафақа, ойлик маошлари кечикишига, иқтисодий-ижтимоий масалаларни молиялаштириш фаолиятига салбий таъсир кўрсатаяпти. Ҳозирда бунга қарши курашиш учун кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Банкдан ташқари нақд пул айланишини қисқартириш тўғрисида»ги қарорига асосан биргина туман солиқ ходимлари томонидан 5,5 миллиард сўмдан ортиқ солиққа тортиладиган базани яширган хўжалик субъектлари аниқланиб, улар фаолиятига чек қўйилди. Хусусан, «Қурилиш Ост бизнес» корхонаси 939,9 миллион сўм, «Акма қурилиш» корхонаси 617 миллион сўм, «Мираж бизнес» корхонаси 536 миллион сўм, «Крез» корхонаси 1 миллиард 500 миллион сўм, «Прот тревелс» корхонаси эса 2 миллиард 300 миллион сўмни солиқдан яширган.

Фирма раҳбарлари амалдаги қонун-қоидаларни, бу хатти-ҳаракатлар жиноят эканлигини билмайди деб ўйлайсизми? Афсуски, нафс бандалари онгли равишда бундай ишга қўл уришмоқда. Эътибор беринг: «Нур Осиё сармояси» фирмаси раҳбари Қосимов Алишер 2001-2002 йиллар давомида жами 308 миллион 309 минг сўм ялпи тушумни кўрсатмаган. Ушбу шахс «Гранд-Осиё»да раҳбарлиги даврида эса 114,7 миллион сўмни айлантириб, қасддан ҳеч қандай ҳисобот топширмаган. Кўриниб турибдики, фирмаларни рўйхатга олиш тизимини, хизмат кўрсатувчи банклар, назорат қилувчи органлар меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш, солиқ органларига тавсия этадиган ҳисоботлар таркибини қайта кўриб чиқишни давр талаби кун тартибига қўймоқда. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари ҳам белгиланган тартибда қарор талабларидан келиб чиқиб, ўз мажбуриятларини бажаришни унутмасалар фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири

Халқаро ҳамкорлик

ЛОЙИҲАНИНГ ИККИНЧИ НАВБАТИ

Президентимизнинг «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида таълим тарбия самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Нишон туманидаги Бобораҳим Машраб номли ўрта мактабнинг фойдаланишга топширилганига ўн олти йил бўлди. Дарслар ўзбек ва тожик тилларида олиб борилаётган 624 ўринли илм масканини таъмирлаш муаммо бўлиб турган эди. АҚШ халқаро ривожланиш агентлигининг «Маҳалла ҳаракатини сармоялаш» (CAIP) дастури ёрдами билан мактаб томини ёпиш учун 2400 доллар миқдорида маблағ сарфланди. Ўқув муассасаси қисқа муддатда сифатли таъмирдан чиқарилди.

– Лойиҳанинг иккинчи навбати учун 4,5 миллион АҚШ доллари ажратилган, – дейди мактаб директори Ҳ.Дўстмуродов. – «Ширинобод» хўжалигида ҳамма қулайликларга эга спорт мажмуаси қад кўтаради.

CAIP дастури уч йилга мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистон жанубида жойлашган шаҳар ва қишлоқлардаги маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Дастур ижрочилари томонидан вилоятдаги 36 та маҳаллада аҳолининг яшаш шароитлари ва демографик аҳвол тўлиқ ўрганиб чиқилди. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши фуқаролар фаоллигини кучайтириб, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди, осойишталик ва барқарорликни таъминлайди.

Ижтимоий-иқтисодий инфратузилма лойиҳаларида қишлоқларни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш масалалари ўз ифодасини топган. Воҳанинг Яккабоғ, Китоб, Қамаши, Косон, Миришкор, Ғузор, Қарши, Касби, Нишон, Деҳқонобод туманлари қишлоқларида мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари ва шифохоналар таъмирланди. Янги ичимлик суви ва газ қувурлари ётқизилади.

Куч билим ва тафаккурда, деб бежиз айтилмаган. Йигит-қизлар билан дўстона мулоқот уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга амалий ёрдам бермоқда.

ЁЛҚИН

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ





Ёруғ юз билан қарши олинаётган Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллиги муборак бўлсин!





Шу жаннатмакон юртимизга кўз тегмасин, Яратганнинг ўзи ҳамиша мададкор бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН КИЧИК БИЗНЕС, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ, САВДО ХОДИМЛАРИ ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат! Ўз садоқатимизни амалда намойиш этиб, фидокорона меҳнатимиз билан Ватан бойлигига бойлик қўшайлик!

ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚЎМИТАСИ

Она-юртимиз, барча хонадонларимизда тинчлик-хотиржамлик, бахту иқбол барқарор бўлсин



Энг улуғ неъмат – Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрайлик!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

Жаҳон ичра буюк юртни улуғ
достон этайлик биз,
Замон келди Ватан бағрин
гўзал бўстон этайлик биз

TV дастури

23-29 август

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50". Кусто командасининг сув ости сарузаштлари». Ҳужжатли телесериал.
9.40 «Бизнес ҳафта».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Ёзги таътил кунларида:
10.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
11.55 , 16.10 ТВ анонс.
12.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
12.25, 13.50 ТВ клип.
12.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Тараққиёт йўли».
12.55 «Дастурхон атрофида».
13.05 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
14.10 «Шахсий фикр».
14.40 Кундузги сеанс: «Найранг». Бадиий фильм.
16.15 «Қишлоқ ҳаёти».
16.35 «Буюк аждодларимиз». Беруний.
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Эртанги кун эгалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Универсиада - 2000 йил. Наманган».
18.30 Мусиқий альбом.
18.35 «Ҳаёт ва қонун».
18.55 Олимпиада хабарлари.
19.05 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлол нашидаси».
21.10 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. «Ҳиммат».
21.30 Бир жуфт қўшиқ.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Шу азиз Ватан барчамизники». 1-қисм.
22.00 «Ифтихор».
22.20 «Чолиқуши». Бадиий фильм. 6-қисм.
23.05 «Осиёнинг кашф этилиши». Ҳужжатли сериал премьераси (Япония)
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Давр» ҳафта ичида.
17.30, 22.40 ТВ-анонс.
17.35 «Янги авлод» студияси: Болалар шеърияти.
17.45 Ёзни «Камолот» билан ўтказ.
18.05 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.25 Ёшлар овози.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 Дийдор.
20.15 Тўртинчи ютуқлар ўйини: «Ажойиб ёзни NESTLE PURE LIFE ичимлик суви билан ўтказ».
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Ёлғон асираси». Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Бунёдкорлик» туркумидан: «Ўзбекистон - қурилишлар мамлакати». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Мурувват».
21.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.50 «Ёшлар даврасида».
22.10 Кинонигоҳ. «Муҳтарам жаноб».
23.20-23.25 Ҳайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Орзудаги жамоа». Сериал.
10.05 «Спортимиз маликалари».
10.20-13.00 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Олимпиада-2004».
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.30 «Болалар спорти».
20.45 «Олимпиада-2004». Танаффусда «Хабарлар».
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбеккино» намойиши: «Муқаддас ёғду».
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳужжатли телесериал.
9.50 Мумтоз наволар.
10.00, 12.00 , 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Ёзги таътил кунларида:
10.05 «Мулкдор».
10.25 «Бўронлар ҳукмдори». Бадиий фильм.
11.55, 12.35 ТВ анонс.
12.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. «Ҳиммат».
12.25 «Энг ширин қовун». Мультфильм.
12.40 «Табиат шифохонаси».
12.50 «Рақснинг сеҳрли олами».
13.10 «Мирзо Улуғбек». Телеспектакль. 5-қисм.
13.50 ТВ клип.
14.10 «Муносабат».
14.40 «Шу азиз Ватан барчамизники». 1-қисм.
15.00 «Қалб гавҳари».
15.20 Мусиқий танаффус.
«Болалар сайёраси»:
15.35 1. «Орзулар қанотида». 2. «Қувноқ стартлар».
16.35 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Универсиада- 2002 йил. Бухоро».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Буюк аждодларимиз». Хожа Аҳрор Валий.
18.30 Мусиқий альбом.
18.35 Олимпиада хабарлари.
18.45 «Корея бўйлаб саёҳат». 1-қисм.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлол нашидаси».
21.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «ШХТ: Келажакка интилиб». Премьера.
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Шу азиз Ватан барчамизники». 2-қисм.
22.10 «Чолиқуши». Бадиий фильм. 7-қисм.
22.55 «Осиёнинг кашф этилиши». Ҳужжатли сериал премьераси.
23.20 «Ахборот-дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Болалар шеърияти.
8.40 «Мульттомоша».
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Давр» -репортаж.
9.35 «Ёлғон асираси». Телесериал.
10.15, 15.55, 19.50 ТВ-анонс.
10.20 Ёзни «Камолот» билан ўтказ.
10.40 «Бегоналарга кириш мумкин эмас, мумкин». Бадиий фильм.
11.50 Дийдор.
12.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Бунёдкорлик» туркумидан: «Ўзбекистон - қурилишлар мамлакати». Видеофильм.
12.30, 17.15 Ёшлар овози.
12.50, 20.20 Мусиқий лаҳзалар.
13.10 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
13.25 «Умр дафтари» туркумидан: Яҳё Ғуломов. Видеофильм. 1-қисм.
13.45 «Ўзбектелефильм» студияси намойиши: «Фасли ёз».
13.55.Қишлоқдаги тенгдошим.
14.15 Интерфутбол.
16.10 Сийрат.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаҳа.
16.55 «Ёрдамчилар». Мультфильм.
17.05 Таянч.
17.35 Фарзандим - жигарбандим.
18.05 Анвар Собиров куйлайди.
18.25 Марди майдон.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр»- интервью.
19.55 Ишга марҳамат!
20.00 Сайлов - демократия кўзгуси.
20.30 Сув - ҳаёт манбаи.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Ёлғон асираси». Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг. 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Ўн етти ёшлилар». Бадиий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажон-қақажон».
18.30, 20.00, 20.50, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Билим» телеклуби.
21.10 «Ёз кунларининг бирида».
21.55 «Инсон ва қонун».
22.15 Кинонигоҳ: «Болаларим қаерда?»
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15-13.00 «Олимпиада-2004».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Олимпиада-2004».
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Қора қузғун». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади) Танаффусда «Хабарлар».
23.45 «Олимпиада кундалиги».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мафтункор кабутарлар».
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳужжатли телесериал.
9.50 «Най наволари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Тафсилот».
Ёзги таътил кунларида:
10.25 «Орзулар камалаги». Бадиий фильм.
11.30 «Саргузаштлар ороли».
12.05 «Ўзбекистон бастакорлари».
12.25 «Масъул сўз».
12.45 ТВ анонс.
12.50 «Мирзо Улуғбек». Телеспектакль. 6-қисм.
14.10 «КиноТеатр».
14.30 «Шу азиз Ватан барчамизники». 2-қисм.
14.50 Кундузги сеанс: «Колонна». Бадиий фильм. 1-қисм.
15.55 «Ягона оилада».
16.25 «Яхшилик».
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизиқарли учрашувлар».
18.10 «Агар Сиз».
18.35 Олимпиада хабарлари.
18.45 «Имконият».
19.05 «Корея бўйлаб саёҳат». 2-қисм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлол нашидаси».
21.10 «Солиқ хизмати хабарлари».
21.15 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг. ўн бешинчи сессияси олдидан. «Парламент вақти».
21.35 Мусиқий альбом.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Тараққиёт йўли».
22.00 «ЎзДЭУавто». Сиз учун.
22.15 «Келин-куёв».
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаҳа.
8.50, 11.45, 16.10, 19.35, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Ёлғон асираси». Телесериал.
10.05 «Давр»- интервью.

10.20 Сув - ҳаёт манбаи.
10.25 Таянч.
10.35 Жаҳон жуғрофияси.
11.25 «Ўзбеккино» намойиш этади: «Танбур».
11.50 Сайлов - демократия кўзгуси.
12.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
12.30, 17.55 Ёшлар овози.
12.50, 15.45, 20.10 Мусиқий лаҳзалар.
13.10 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
13.25 «Умр дафтари» туркумидан: Яҳё Ғуломов. Видеофильм. 2-қисм.
13.45 Болалар экрани: «Қизил гул».
14.25 Фарзандим - жигарбандим.
14.55 «Ошиқу беқарорлар». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Соғлом авлод.
17.00 Тенгдошлар.
17.20 Наво.
17.35 Қўли гул уста.
18.15 Ракурс.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Автопатрул.
20.00 Спорт-лото.
20.15 Очил дастурхон.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Ёлғон асираси». Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Ринг қироллари.
23.35-23.40 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Ҳимоя».
21.10 «Мустақиллик нашидаси».
21.50 «Мусиқий меҳмонхона».
22.10 «Аёл қалби».
22.35 Кинонигоҳ: «Келиб айтганларим».
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Қувноқ стартлар».
9.50 «Баҳодирлар ўйини».
10.30-16.30 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Хабарлар» (рус тилида)
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Қора қузғун». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Олимпиада-2004». Танаффусда «Хабарлар».
23.45 «Олимпиада кундалиги».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тўй либослари».
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизиқарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
Ёзги таътил кунларида:
10.25 «Қизалоқ, кинода ўйнашни хоҳлайсанми?» Бадиий фильм.
11.40 «Тараққиёт йўли».
12.05 «Ҳаёт ва қонун».
12.25 «Ҳаракатда - баракат».
12.40 «Дунё бўйлаб».
13.00 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
14.10 «Агар Сиз».
14.35 Кундузги сеанс: «Колонна». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.40 «Парламент вақти».
16.00 «Парле ву франсэ?»
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк».
17.20 «Мулки борлиқ».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Зийнат».
18.30 Мусиқий альбом.
18.35 Олимпиада хабарлари.
18.45 «Маслак ва мақсад».
19.05 «Соғлом она - соғлом бола».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлол нашидаси».
21.10 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясида.
22.40 «Хониш». Мусиқий дастур.
23.10 «Ахборот-дайжест».
23.30 Нақадар тотли сўз «Озодлик» рукнида: «Йўлбошчи». Бадиий фильм.
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
8.50, 16.10, 19.50, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Ёлғон асираси». Телесериал.
10.05 Тенгдошлар.
10.25 Саломатлик сирлари.
10.45 «Мульттомоша».
11.00 Тафаккур ёлқинлари.
11.15 Чемпион сирлари(рус тилида)
11.40 Спорт-қитъаси (рус тилида)
12.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
12.30, 18.00 Ёшлар овози.
12.50, Мусиқий лаҳзалар.
13.10 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
13.25 Соғлом авлод.
13.45 «Умр дафтари» туркумидан: Яҳё. Ғуломов. Видеофильм. 3-қисм.
14.05 Қўли гул уста.
14.25 Автопатрул.
14.45 «Ошиқу беқарорлар». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.50 Мультфильм.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» студияси: Шум болалар.
16.40 Ёшлар ва ҳуқуқ.
16.55 Озод юрт фарзандлари.
17.15 Ёшлар куйлаганда.
17.35 «Coscom» хабарлари.
17.40 Истиқлол умидлари.
18.20 Табобат оламида.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр»- интервью.
19.55 Ишга марҳамат!
20.00 Кулгуч.
20.05 Мезон.
20.25, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Ёлғон асираси». Телесериал.
21.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Хонадон ўчоғи». Бадиий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Эл хизматида».
21.10 «Бурч ва масъулият».
21.50 Кинонигоҳ: «Миршаблар ва Роббинсонлар».
23.20-23.25 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Орзудаги жамоа». Сериал.
9.40 «От спорти». Республика биринчилиги.
10.10 «Спорт - менинг ҳаётим».
10.25-14.25 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Олимпиада-2004».
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Қора қузғун». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Олимпиада-2004». Танаффусда «Хабарлар».
23.45 «Олимпиада кундалиги».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбектелефиьм» намойиши: «Бахмал», «Водил».
Болалар сайёраси:
9.00 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Ёзги таътил кунларида:
10.05 «Семурғ». Бадиий фильм.
11.15 «Зийнат».
11.35 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Сурхондарё вилояти.
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
12.55 «Булбулигўё». Фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
13.10 «Бу турфа олам».
14.10 «Маслак ва мақсад».
14.30 Кундузги сеанс: «Сўнгги совға». Бадиий фильм.
16.20 «Мувозанат».
«Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.40 «Яхшилар ёди».
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.30 Бир жуфт қўшиқ.
18.40 Олимпиада хабарлари.
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Дастурхон атрофида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ хизмати хабарлари».
21.15 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясида.
22.15 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Созлар навоси». Фильм-концерт премьераси.
22.45 Нақадар тотли сўз «Озодлик» рукнида: «Ватанпарвар». Бадиий фильм. 1-қисм.
24.00 «Ахборот-дайжест».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Шум болалар.
8.50, 10.20, 12.55, 15.55, 19.35, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Ёлғон асираси». Телесериал.
10.05 «Давр»-интервью.
10.25 «Ўзбектелефильм» студияси намойиши: «Ўзбекистон маркаси».
10.35 Ёшлар ва ҳуқуқ.
10.50 Истиқлол умидлари.
11.10 Болалар экрани: «Сеҳрланган бола».
11.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
12.25 Ёшлар овози.
12.45, 19.40 Мусиқий лаҳзалар.
13.10 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
13.25 «Умр дафтари» туркумидан: Ойбек. Видеофильм. 1-қисм.
13.45 Озод юрт фарзандлари.
14.05 «Эртаклар тарқ этган дара». Бадиий фильм.
15.25 Мезон.
15.45 «Уч оға-ини». Мультфильм.
16.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.25 Огоҳлик - давр талаби.
17.45 Томир.
18.05 Аскар мактублари.
18.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.50 2004 - Меҳр ва мурувват йили. Азизим.
20.20 Ватан ҳақида қўшиқ.
20.25 Ўзимизники.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Ёлғон асираси». Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 Кинотакдим.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.45-0.50 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ»ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажон-қақажон».
18:30, 20.00, 20.50, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Тоғнинг гули ўзгача».
21.10 «Аёллар салтанати».
21.55 Кинонигоҳ. «Ҳисобли никоҳ».
23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Федерация фаолияти».
9.35-13.35 «Олимпиада-2004».
15.25 Кўрсатувлар тартиби.
15.30 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Олимпиада-2004».
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Болалар спорти».
20.50 «Олимпиада-2004». Танаффусда «Хабарлар».
23.45 «Олимпиада кундалиги».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 28

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Ўзбеккино» тақдим этади: «Мўғулчаи бузрук».
«Болалар сайёраси»:
8.50 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
9.50 «Зиё» студияси намойиш этади: Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.10 «Мусиқа дунёси».
10.30 «Солиқ хизмати хабарлари».
10.40 «Бу турфа олам».
11.30 «Тафсилот».
11.45 «Фликнинг саргузаштлари». Мультфильм.
13.15 «Хониш». Мусиқий дастур.
13.45 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Аҳил оила». Бадиий фильм.
15.20 ТВ анонс.
15.25 «Дўстлик» студияси: 1. «Ўзбекистон - умумий уйимиз». 2. «Умид». 3. «Истоки».
16.25 «Таълим ва тараққиёт».
16.45 «Изҳор».
17.20 «Табиат шифохонаси».
17.30 «Қалб гавҳари».
17.50 «Мусиқа: кеча ва бугун».
18.10 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли».
18.40 Олимпиада хабарлари.
18.50 «Бугуннинг одамлари».
19.10 «Ўзлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлол нашидаси».
21.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Тараққиёт йўли».
21.30 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
21.50 Нақадар тотли сўз «Озодлик» рукнида: «Ватанпарвар». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.50, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 19.00 Давр.
9.25 «Ёлғон асираси». Телесериал.
10.05 Томорқа.
10.15 Табобат оламида.
10.40 Томир.
11.00 Мусиқий лаҳзалар.
11.10 Огоҳлик -давр талаби.
11.30 Бола тилидан.
12.00 «Мульттомоша».
12.15 Кутилмаган меҳмон.
12.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
13.00 «Қуёшли тош». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.25 «Умр дафтари» туркумидан: Ойбек. Видеофильм. 2-қисм.
14.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.05 Интерфутбол.
16.45 «Остона». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» студияси. Истиқлол ғунчалари.
18.00 Сув ҳам тугайдими?
18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Ватан мадҳи».
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.45 Меҳр кўзда.
20.25, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Ёлғон асираси». Телесериал.
21.15 Оҳанрабо.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 «О, бу муҳаббат». Бадиий фильм.
0.10-0.15 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани.
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Мультчархпалак».
18.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.30, 20.00, 21.20, 22.25 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Жаҳон географияси».
19.20, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Экран зийнати ва қиммати».
20.20 «Афиша».
20.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.40 «Мисли гавҳар».
21.55 «Нима учун?»
22.45 «Биргаликда куйлаймиз».
23.30 Кинонигоҳ: «Асрлар оша».
1.10-1.15 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Рақибингиз гроссмейстер».
9.30 «Соғломлаштирувчи йога». Инглиз тилида.
9.40 «Орзудаги жамоа». Сериал.
10.30-14.00 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Болалар спорти».
17.30 «Олимпиада-2004».
18.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Сурхон» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
20.20 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади) Танаффусда «Хабарлар».
23.45 «Олимпиада кундалиги».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 29

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 «Лаззат сеҳри».
12.40 Вилоят хонандалари куйлайди.
13.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Тараққиёт йўли».
13.20 «Бугуннинг одамлари».
13.40 Эстрада тароналари.
14.00 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар». 3. «Айчурек». 4. «Гардашлиг дунёсинда».
15.20 «Портретга чизгилар».
15.35 ТВ анонс.
15.40 «Қорақалпоқнома».
«Болалар сайёраси»:
16.00 1. «Ғаройибкентга саёҳат». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.00 «Истиқлол мушоираси».
17.20 «Иқтидор». Телеўйин.
18.10 «Рангин дунё».
18.30 Бир жуфт қўшиқ.
18.40 Олимпиада хабарлари.
18.50 «Бизнес ҳафта».
19.05 «Масъул сўз».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан - кўрсатувгача».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Истиқлол нашидаси».
21.20 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. «Ободлик кўнгилдадир».
21.40 «Наволарим сенга, она юрт!»
21.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Асрга тенг йиллар». 1-қисм.
«Якшанба кинозали»:
22.15 «Нақадар тотли сўз «Озодлик» рукнида: «Шерюрак». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси. Истиқлол ғунчалари.
8.45 «Қимматбаҳо совға». Мультфильм.
8.55 Иқлим.
9.00 «Давр»-репортаж.
9.10 Очил дастурхон.
9.30 «Ёлғон асираси». Телесериал.
10.15 Кинотакдим.
10.35 «Умр дафтари» туркумидан: Ҳамид Сулаймон. Видеофильм. 1-қисм.
10.55 Ёшлик наволари.
11.05 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий - ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон, 2. Аскар мактублари.
11.45 2004 - Меҳр ва мурувват йили. Азизим.
12.15 «Қуёшли тош». Бадиий фильм. 2-қисм.
13.40 Чемпион сирлари.
14.00 «Умр дафтари» туркумидан: Ойбек. Видеофильм. 3-қисм.
14.15 «Заковат». Интеллектуал ўйини.
15.15 Саёҳатнома.
15.35 «Мульттомоша».
16.05 Ринг қироллари.
16.55 «Остона». Телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси.
18.15 Спорт ҳафтаномаси.
18.30 ТВ-афиша.
18.35 Диёр Маҳкамов куйлайди.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр».
19.25 Кулгуч.
19.30 Сув - ҳаёт манбаи.
19.35 Мусиқий лаҳзалар.
19.45 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйини.
20.35, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.40 «Ёлғон асираси». Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 Чимилдиқ». Бадиий фильм.
23.50-23.55 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани.
17.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.45 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
18.30, 20.00, 20.50, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Жаҳон географияси».
19.15, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
19.25 «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
19.40 «Дугоналар».
20.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.10 «Хайрли оқшом».
21.40 «Тв плюс».
22.30 ТТВда премьера: «Муҳаббат ҳазил эмас».
00.20-00.25. Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Полвон бўлмоқчиман».
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «Болалар спорти».
10.25 «Қувноқ стартлар».
11.00-13.00 «Олимпиада-2004».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Бинафша».
17.30 «Олимпиада кундалиги».
17.55 «Спорт - клуб».
18.10 «Олтин граммофон».
20.00 «Время».
20.45 «Олимпиада-2004». Танаффусда «Хабарлар».
23.15 «XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларининг ёпилиш маросими» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
02.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ХАЗИНАТОПАР ЎРДАК

Венгриялик олим бозордан сотиб олган ўрдакни уйда патидан тозалаб қорнини ёрса, ичидан қадимги тилла танга чиқади. У тангани музейга олиб борганда, музей ходимлари унинг XV асрда зарб этилганини аниқлашди.

Ўрдак боқилган кўл «тинтув» қилиб кўрилганда бундан бир неча аср муқаддам яшириб қўйилган анчагина тилла танга хазинаси топилган.

Илҳом

БАХТЛАР МАСКАНИ

Тарих-чун ўн уч йил гўё бир нафас,
Асрий ютуқларда истиқлол руҳи.
Бу ҳаёт, ҳақиқат – афсона эмас,
Дилларда жўш урар иқбол шукуҳи.

Буюк аждодларнинг ширин ҳаёли,
Озодлик, ҳуррият юртимда бугун.
Юз йиллик орзулар арғамчи солиб,
Турналар сингари келди бус-бутун.

Бахтиёр маскан деб олди ном юртим,
Саодат байроғи қўлларда маҳкам.
Отам кўрмаганни мана мен кўрдим,
Янги чўққиларга қўйилди қадам.

Суръату, журъату, ғайрат бир бўлиб
Тузилган режалар ечилди бир-бир.
Ҳар лаҳза мазмунга лиммо-лим тўлиб,
Ҳар бир кун қадрига етсамиз арзир.

Тарих-чун ўн уч йил гўё бир нафас,
Асрий ютуқларда истиқлол руҳи.
Бу ҳаёт, ҳақиқат – афсона эмас,
Дилларда жўш урар иқбол шукуҳи

Маҳмуджон ҚУРБОН,
меҳнат фахрийси

Цирк директорининг хонасида телефон жиринглайди:

– Жуда зўр номер кўрсатишим мумкин.

– Керак эмас. Ҳамма зўр номерлар чўнтагимдан тушиб қолган.

– Меники жуда бошқача. Мен бир метрлик қилични ютаман.

– Э-э, шу ҳам номерми? Бир метрлик қилични ким ютолмас экан!

– Шунақа-я, аммо менинг бўйим атиги тўқсон сантиметр-да!

* * *

– Тўтиқушим йўқолди дейсизми?

– Ҳа.

– Гапирадиган тўтиқушми?

– Ҳа-да...

– Ким топиб берса суюнчи бор-а?

– Ҳа, албатта. Лекин ўн олтига тўлмаган болалар уни тутиб олишларини сира истамасдим.

* * *

Этиқдўз ёзувчидан сўраптн.

– Китобларингизда тарғиб қиладиган гапларингизнинг ҳаммасига ўзингиз амал қиласизми?

– Сиз ҳам ўзингиз тиккан туфлиларнинг ҳаммасини кийиб юрмайсиз-ку!

* * *

Бир одам химчисткага келиб, унинг бошлиғига хуноб бўлиб гапиряпти:

НИМ ТАБАССУМ

– Мана, қилган ишингизни кўриб қўйинг...

– Нима бўпти? Нимадан шикоят қилаяпсиз? – деб ҳайрон бўлади бошлиқ. – Бинойидай шорти, бежирим тикилган, бironта доғи йўқ.

– Кечирасиз, мен сизга тозалаш учун шим топширган эдим.

* * *

Эр пешонасида қизил доғ билан уйга келипти.

– Лаб бўёғи-ку! – дебди хотин дарғазаб бўлиб.

– Йўғ-е, қон... Машинам аварияга учради. Бошимни рулга уриб олдим.

– Ундоқ бўлса, бахтинг бор экан...

* * *

Терговчи ўғридан сўраяпти:

– Сиз нега доимо уйингизга яқин жойдаги хонадонларга ўғриликка тушасиз?

– Ҳозирги нозик замонда уйингни анча вақтгача ташлаб кетиб бўладими? Эҳтиёт бўлган яхши-да...

* * *

Иккита овчи ўзаро суҳбатлашмоқда:

– Вой дўстим, бугун мен иккита зўр тустовуққа рўпара келдим. Оғзимдан сувлар келиб кетди.

– Хўш, хўш. Омадинг чопдими? Нима бўлди?

– Нима бўларди? Ҳеч нарса қилиб бўлмади. Ёнимда пулим йўқ эди.

* * *

– Вой хоним-ей! Бу қиз ўғлингизга энг муносиб келин. Ҳар қанча қидирсангиз ҳам бунақасини тополмайсиз.

– Қанақасига энг муносиб бўлсин. Қаранг, оқсайди-ку!

– Оқсаса нима! Қайтага оқсагани яхши! Фараз қилинги, хоним, ўғлингиз оқсамайдиган қизга уйланди. Кунлардан бирида у қиз қоқилиб йиқилади-ю, оёғи синади. Оҳ-воҳлар бошланади, доктормадоктор чоп-чоп... Яна чиқимдор бўласиз. Менинг таклифимга кўнсангиз бунақа гаплар бўлмайди.

Футбол-тест

«ПАХТАКОР-79» ЖАМОАСИНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

1.«Пахтакор-79» жамоасини бошқарган мураббий ?
A) Константин Бесков
B) Идгай Тазеддинов
C) Иштван Секеч
D) Сергей Арутюнов

2. Марҳум пахтакорчилардан йирик ҳисобда мағлубиятга учраган, бироқ мамлакат чемпиони бўлган жамоа?
A) «Динамо» (Киев)
B) «Спартак» (Москва)
C) «Торпедо» (Москва)
D) «Динамо» (Тбилиси)

3.Марҳум пахтакорчилар хотирасига суратга олинган ҳужжатли фильмнинг номи?
A) «Самога сочилган юлдузлар»
B) «Само ўғлонлари»
C) «Само баҳодирлари»
D) «Ўн етти юлдуз»

4.Ўсмирлар ўртасида Европа чемпиони бўлган марҳум пахтакорчи?
A) Олим Аширов
B) Владимир Фёдоров
C) Михаил Ан
D) Константин Баканов

5.«Пахтакор-79» жамоаси дарвозабони ?
A) Сергей Покатилов
B) Константин Баканов
C) Шуҳрат Эшбўтаев
D) Виктор Чуркин

6.Ўша машъум авиаҳалокат содир бўлган шаҳар?
A) Минск
B) Днепродержинск
C) Одесса
D) Днепропетровск

7. Марҳум пахтакорчилар охирги ўйинни қайси жамоа билан ўйнаган?
A) «Зенит»
B) «Арарат» (Ереван)
C) «Нистру» (Кишенёв)
D) «Заря» (Ворошиловград)

8. Марҳум пахтакорчилар сардори?
A) Владимир Фёдоров
B) Михаил Ан
C) Константин Баканов
D) Олим Аширов

9. «Пахтакор-79» жамоаси билан навбатдаги ўйин ўтказиши лозим бўлган клуб?
A) «Динамо» (Киев)
B) «Динамо» (Минск)
C) «Жальгрис» (Вильнюс)
D) «Қайрат» (Олма-ота)

КРОССВОРД



ЁЙЛАР БЎЙИЧА: 1.Айланма ёйининг ўлчов бирлиги. 2.Бирор нарсани тушунтириб бериш, изоҳлаш. 3.Олисни кўришда фойдаланиладиган оптик асбоб. 4.Пойтахтимиз вилоятидаги тоғлик оромгоҳ. 5.Қизғин суҳбат. 6.Электр зарядининг қарама-қарши икки томонидан бири. 7.Қаттиқ тоғ жинси, бинокорлик ашёси. 8.Тошкентдаги меъморий обида. 9.Йўл иншооти. 10.Мактабда ёзма иш тури. 11.Вақтли нашр. 12.Хабар етказиш воситаси. 13.Африка ва Жанубий-Ғарбий Осиё чўлларида тарқалган чопқир, камёб йиртқич. 14.Бразилия футбол юлдузи. 15.Дунёга танилган спорт буюмлари фирмаси. 16.Юк автомобили тури. 17.Маҳаллий буғдой. 18.АҚШ автомобили маркаси. 19.Грециянинг юнон тилидаги номи. 20.Ташкилот ва муассасалар ўртасидаги низоларни ҳал этувчи адлия муассасаси. 21.Рус масалчиси. 22.Ғилдиракка ўрнатиладиган резина гардиш. 23.Каучукни олтингугурт билан вулканизациялашдан ҳосил қилинадиган, аккумулятор баки тайёрлаш ашёси. 24.Воқеа, ҳодисаларни бўрттириб тасвирлаш. 25.Матбуот ходими. 26.Германиянинг Рейн дарёси бўйидаги шаҳар. 27.Илмий ёки публицистик, мўъжаз асар. 28.Заргарликда ишлатиладиган маъдан. 29.Мусиқа асари тури. 30.Афсонавий бахт қуши. 31.Газламани текислайдиган асбоб. 32.Таркибида ўзаро боғланган икки ёки бир неча катталик бўлган математик тенглик. 33.Сайроқи қуш. 34.Чирчиқ дарёси ирмоғи. 35.Хорижий валюта. 36.Кўприксимон ер усти иншооти. 37.Марказий Осиёдаги республика пойтахти. 38.Йилнинг маълум бир даври. 39.Тарашланган ва сайқал берилган олмос. 40.Фарғона водийсидаги вилоят.

МУАММОНОМА

Қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчи сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) жавоб сўзларидаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. 40-3; 1-2; 39-4; 18-2; 7-2; 8-4; 6-3; 27-4; 3-5; 36-1; 12-3; 5-1; 22-4. 17-2; 11-3; 9-5; 31-3. Улардан аён бўладиган ҳикмат халқимиз ижоди дурдоналарига мансуб.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Сиз кутган учрашув

ҚЎШИҚ СЕҲРИ

Кўм-кўк дарахтларга бурканган боғ узра радиодан қўшиқ янграяпти. У севги ҳамда ёшликни улуғлаш ҳақида эди. Қўшиқ оҳангига маҳлиё бўлган қария: – Отасига балли, қўнғирокдек овози бор эканми?– деб қўйди. Унинг бу гапидан Жаҳонгир кулимсиради. Ахир санъаткор учун бундан ортиқ бахт борми? Чунки ҳозиргина эфир орқали янграган қўшиқ унинг ижросида эди.

Жаҳонгирда санъатга ошуфталик эрта уйғонди. У 1973 йилдан доира тўғарагига қатнай бошлади. Шу билан бирга кинотеатрларда намойиш қилинадиган ҳинд киноларини қайта-қайта томоша қилар, қизиғи шундаки, уларни бир-икки кўришдаёқ ёдлаб оларди. Дадаси Назар ака ундаги бу қобилиятни пайқаб, рағбатлантириб борди. Ўғлидаги қўшиққа бўлган ҳавасни онаси Матлубахон опа ҳам сезмай қолмади. Чунки унинг отаси Умаржон ака ҳам танбур чертиб, катта ашулаларни маромига етказиб ижро этганди.

– Ўғлим бувасига тортибди-да, – дея ўйлади у. – Майли, унинг касбини давом эттирса бобосининг руҳи шод бўлади.

Таниқли санъаткор Рустам Абдуллаевдан доира сирларини эринмай ўрганган Жаҳонгир турли тадбирларда Набижон Мўминов, Даврон Қодиров, Обиджон Одилов, Маҳмуджон Азимов, Абдужаббор Латипов каби қўшиқчиларга жўр бўлиб юрди.

Ҳаётда шундай бахтли тасодифлар бўладики, у инсоннинг келажагини белгилаб беради. Концертларнинг бирида томошабинлардан: Созандалардан ҳам бир қўшиқ эшитайлик, – деган таклиф тушиб қолди. Шунда Жаҳонгир қўлига соз олиб, илк бор кўпчилик олдида қўшиқ ижро этди. Залда қарсаклар янгради.

Қизиғи шундаки, ёш Жаҳонгирнинг овози республикамиздаги таниқли қўшиқчи Умаржон Отаевга қуйиб қўйгандек ўхшаш эди. Узоқ ўйлагандан сўнг ўз овозини устоз санъаткор синовидан ўтказмоқчи бўлди. Таниқли созанда Нурилла Мирзаев билан унинг уйига йўл олишди. Дарҳақиқат, уни олдинда улкан имтиҳон кутарди. Айтган қўшиғи қўшиқ шинавандаларига яхши таниш бўлган Умаржон акага ёқармикан? Устоз қўшиқчи уларни яхши кутиб олди. Қисқагина суҳбатдан сўнг Жаҳонгир қўлига созни олиб, «Кўзи қаро»ни бошлаб юборди. Ундаги овоз диапозони, услуб Умаржон акага маъқул келди. Унинг қўллаб-қувватлаши ёш санъаткорга қанот бағишлаб, ўз устида қунт билан ишлай бошлади.

Шу воқеадан кўп ўтмай Жаҳонгир устоз санъаткор Турғун ака Алиматов билан учрашиб қолди. Турғун ака гапнинг лўндасини айтиб қўяқолди: – Ўғлим, қўшиғинг менга ёқди. Лекин бундай катта ашулани танбур ижросида айтсанг яхши бўларди, – дея маслаҳат берди.

Айтишга осон. Танбур чалишнинг ҳам мураккаб томонлари бор. Шуни ҳисобга олган Жаҳонгир бу мусиқа асбобини чалиш учун жиддий киришди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас уни ўзлаштириб олди.

– Ҳар бир санъаткорнинг ўз устози бўлади, – дейди Жаҳонгир Мирзаев. – Шахсан мен эл севган санъаткорлар Орифхон Ҳатамов, Жўрахон Султонов, Очилхон Отахонов ҳамда Фаттоҳхон Мамадалиевларнинг қўшиқларини тинглаб улғайдим. Бу устозларнинг ҳар бири қўшиқ санъатида мактаб яратишган. Яна бир томони уларнинг мактабини қанчалик ўқиб-ўргансак оз. Шу билан бирга марҳум устозимиз Умаржон Отаевни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Ҳозирги пайтда эса Маҳмуджон Тожибоев, Темур Маҳмудовлардан санъат сирларини ўрганиб келмоқдаман.

Айни вақтда бу хушовоз хонанда Зангиота туманидаги «Ҳосил» мақом дастасида хизмат қилмоқда. Жамоанинг мусиқа раҳбари Музаффар Мирмаҳмудовдан санъат сирларини янада мукаммал ўрганиш учун ҳаракат қилаяпти. «Наво» мақомидан намуналарни қунт билан ўрганмоқда. Шу билан бирга унинг ижросидаги «Абдураҳмонбеги–1», «Соқиномаи баёт», «Уфори баёт», «Насри баёт», «Насри Уззол» каби қўшиқлари санъат шинавандаларининг олқишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ижодий жамоада у Розиқ Расулов, Шуҳрат Мирдадаев, Ўткир Қосимовлар билан ижодий ҳамкорлик қиляпти.

Иқтидорли хонанда Республика радиосининг мусиқали эшиттиришлар таҳририяти билан ҳам мустаҳкам ижодий алоқани йўлга қўйган. Унинг ижросидаги Лутфий ғазаллари билан айтиладиган «Кўзи қаро», «Кам бўлмасин», «Бўлмай туриб», Бобур ғазали билан айтиладиган «Ишқ», Мушкин ғазали билан «Нон», Ҳамид Олимжон шеъри билан айтиладиган «Гул фаслидир» каби қўшиқлари эфир тўлқинларида тез-тез янграб турибди.

Ҳа, санъатда сеҳр кўп деб бежиз айтмаган халқимиз. Бу сеҳр тинимсиз меҳнат, изланиш, истеъдод орқали ўз қалитини санъаткор қўлига тутқазади. Хонанда Жаҳонгир Мирзаев ҳам мана шу йўлда тинимсиз изланаётганлардан. Истагимиз халқимиз севган қўшиқлар кенг қанот ёйсин.

Неъмат РАФИҚОВ

Саломатлик сабоқлари

Қанд касаллиги (қандли диабет) дунёда кўп тарқалган эндокрин хасталиклардан ҳисобланиб, агар бемор яхшилаб даволанмаса, оғир асоратлар қолдириши мумкин. Қандли диабет меъда ости бези ишлаб чиқарадиган инсулин гармони бироз ёки мутлақо етишмаслиги натижасида келиб чиқади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Халқаро диабетология федерацияси унинг оғир асоратлари бўйича юрак-қон томир касалликлари ва хавфли ўсимталардан кейин учинчи ўринга қўядилар.

ҚАНД КАСАЛЛИГИ ва унинг асоратлари

Олимларнинг таъкидлашича, қонда қанд миқдорининг доимий равишда меъёридан ошиқ ҳолда бўлиши йирик ва майда қон томирларга зарарли таъсир кўрсатиб, уларни шикастлайди. Натижада қон томирлари торайиб, қон босими кўтарилади. Қоннинг қуйилиш хусусияти ортиб, томир деворларига турли хил фойдасиз ёғлар йиғилади, организмнинг тўқима ҳамда аъзоларига кислород ва озиқ моддаларнинг келиши қийинлашади. Юрак ва мияда йирик қон томирларининг шикастланиши жуда ҳам оғир ва хавфли асоратлар, жумладан, юракнинг ишемик касали, мияда қон қуйилиши (инсульт), жигарнинг ишдан чиқиши, кўр бўлиб қолиш, буйрак етишмовчилиги, қорасон (гангрена), оёқда тузалмас яраларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Қандли диабетнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиб, улардан энг асосийси ирсий омилдир. Шунингдек, меъёридан ортиқча овқатланиш (ўта ёғли, калорияли, ширин, шўр, аччиқ таом ва ичимликларни истеъмол қилиш), семизлик, болалар ва ўсмирларда ўткир вирусли касалликлар бўлганлиги (сувчечак, қизилча, эпидемик паротит ва бошқалар) баъзи дориларни узоқ вақт қабул қилиш, оғир асабий-руҳий кечинмалар (тушкунлик, қаттиқ қўрқиш, мусибат), кишиларда атеросклероз хасталиги, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, тамаки, нос чекиш, ички секреция безлари фаолиятининг издан чиқиши касалликни келтириб чиқарувчи сабабларга киради. Қанд касаллигининг кўпайиши бемор ва унинг яқинлари касаллик омиллари, асоратларининг даволаниши ҳамда профилактикаси қанчалар муҳимлигини яхши билмасликлари, эътибор бермасликлари оқибатида ҳам юз бериши кузатилмоқда.

Профессор М.Певзнер (Россия) хулосасига кўра, қанд касаллигига йўлиққан беморлар 2 гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳдаги беморлар асосан 40 ёшгача бўлиб, хасталик тез бошланиб, тез кечади, бемор озиб кетади (кахексия), иштаҳаси ортганига қарамай умумий қувватсизликдан, иш қобилиятининг пасайганлигидан нолийди. Қонда ва сийдикда қанд миқдори ортади, бундай беморлар меъёрий таомнома устига инсулин олиб даволанадилар.

Иккинчи гуруҳ беморлар тўладан келган, 40 ёшдан ошган бўлиб, дарди секинлик билан бошланади ва давом этади, уларда юқорида келтирилган хасталик белгилари бўлмаслиги мумкин, лекин қанд миқдори қонда ҳам, сийдикда ҳам баланд даражада бўлади, аммо шунга қарамай бундай беморларда хасталик нисбатан «юмшоқ» кечади, айрим ҳолларда бетоблик белгилари ҳам кўзга ташланиши мумкин (оғиз қуриш, кўп овқат ейиш, очиқиш, таносил аъзолари атрофининг қичиши ва ҳоказо). Уларда кўпинча буйрак етишмовчилиги учраб туради. Беморлар инсулин қабул қилмай ҳаёт кечиришлари мумкин. Уларга парҳез, жисмоний ҳаракат ҳамда қанд миқдорини пасайтирувчи ҳаб дорилар ёрдам беради.

Қандли диабетнинг яна бир тури – аёллар ҳомиладорлиги вақтида ҳомиладорлар диабети кузатилади. Текширувларга кўра диабетнинг бу тури натижасида йирик ҳомила ҳосил бўлиб, унинг туғилиши қийинлашади, она ва ҳомила ҳаёти хавф остида қолади. Шифокорларнинг фикрича, агар ҳомиладорлик диабети ўз вақтида ташҳис қилинмаса ва нотўғри даволанса, ҳомиладорлик ва туғруқ учун жиддий асоратлар қодириши мумкин. (Ҳомиладорлик токсикозлари, бола тушиши ёки она қорнида нобуд бўлиши, ривожланиш нуқсонлари каби). Бемор ва унинг яқинлари англайдиган ягона нарса, бу ҳаётда умрбод инсулин инъекциялари ва таблеткалари қабул қилиш зарурияти, парҳезли таомлар истеъмол қилиш билан қўшимча чекловлар пайдо бўлишидир.

Мазкур вазиятда бемор ўзини қандай тутиши лозимлигини кўпинча билмайди. Инсулин, таблеткалар, парҳез қўлланиши самарадорлигини ошириш, оддий кундалик ҳаётга мослашиш, дўстлар билан мулоқотда бўлиш, ишлаш, дам олиш, саёҳат қилиш, фарзанд тарбиясидан ажралмаслик бемор учун бирмунча енгиллик туғдиради. Қандли диабет касаллигида асоратларнинг олдини олишнинг асосий шарти бу – қондаги қанд миқдорини меъёрлаштиришдир. Бунинг учун оқсилли, мойли, углеводли, витаминли озиқ-овқат маҳсулотларни беморларнинг гуруҳига, ёшига қараб шифокор тавсиясига кўра истеъмол қилиниши мақсадга мувофиқ.

Беморлар руҳий ва жисмоний зўриқишга олиб келадиган оғир меҳнат билан шуғулланмасликлари керак. Инсулин оладиган беморларнинг транспорт ҳайдовчиси бўлиши, баландликда ҳаракатланувчи механизмлар олдида ишлашлари мумкин эмас. Қанд хасталигига йўлиққан беморларнинг ҳаммаси учун (қайси гуруҳга киришидан қатъи назар) ёғли маҳсулотлар чегараланади.

Кўпроқ мева-сабзавот, ёғсиз творог ва қатиқ, кефир каби маҳсулотларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Қанд, ширинлик, пиширик, нон, макарон ва бошқа хамирли таомлар шифокор рухсати билан истеъмол қилиниши керак.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент

«ҲАЛИ ЁШ БЎЛСА-ДА»

Бионика табиат билан «Куч синашиш» га бел боғлаган ёш фандир. Тўғри, ҳозирча бу рақобатда «механизм»ларнинг ғоятда мукаммаллиги сабабли, табиатнинг «қўли баланд бўлиб» турибди.

Академик Вавилов одамнинг кўзи, хатто ёруғлик квантларини, яъни энг кичик зарраларни ҳам фарқлай олишни исботлади. Мускулларнинг фойдали иш коэффициенти ғоят мукаммал двигателларидан бир мунча юқори туради. Зиғирдаккина чумоли ўз миясида шунчалик кўп ахборот ишлаб чиқадики, бу ишни ҳозирча замоннинг «Мана мен» деган энг мукаммал кибернетик машинаси ҳам уддалай олмайди.

Бундай мисоллардан, табиат билан куч синашиш учун бионикага йўл бўлсин деган хулоса чиқариш, умидсизликка тушиш керак эмас. Бионика ҳали ёш бўлса-да, унинг истиқболи порлоқ.

ФИДОЙИ КУТУБХОНАЧИЛАРГА МУКОФОТ

«Энг яхши кутубхоначи» республика кўрик-танловига якун чиқарилди. Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб, Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган маънавият, маърифат ва маҳорат кўригида республикамизнинг барча вилоятларидан келган тажрибали ва моҳир кутубхоначилар ўз ишчанлик қобилиятларини намоён этишди.

Китобхонлар билан ишлаш замонавий библиографик хизматни кенг ташкил этиш борасида орттирилаётган бой тажрибалар ҳам кўпчиликни мамнун этди.

Биринчи ўрин Хоразм вилояти Хива шаҳри «Зиё» масканининг етакчи ходими Гўзал Назаровага насиб этди. Шунингдек, биринчи совринли ўрин билан тошкентлик ва самарқандлик вакиллар тақдирландилар. Ғолиб зиёкорлар вазирликнинг қимматбаҳо совғалари билан мукофотландилар.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г– 817 1 2 3 4 5